

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

*УДК
Кўл ёзма ҳуқуқида*

ШАМУРОТОВА МОҲИЧЕҲРА АБДИНАБИЕВНА

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ОЛОТ ТУМАНИ ФОЛЬКЛОР МУСИҚА
ИЖРОЧИЛИГИ**

5A150601-Вокал санъати (анъанавий хонандалик)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: **профессор Матназар Худойназаров**

Тошкент 2017

Мундарижа

Кириш.

I-боб. Бухоро вилояти Олот тумани фольклор мусиқа ижрочилигининг тарихий асослари.

1.1 Бухоро вилояти Олот тумани фольклор тарихи.

1.2 Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилари.

1.3 Бухоро вилояти Олот тумани фольклор удумлари ва ижро дастури.

II-боб Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилигининг ўзига хослиги

2.1 Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилигининг истеъмолдаги мусиқий асарлари.

2.2 Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилигининг бугунги кундаги муаммолари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

1. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек хонандалигининг ижрочилик хусусиятлари ҳозирги кунга қадар етарлича ёритилган. Аммо ҳар бир жанр ва услуб нуктаи назаридан хонандалик ижрочилик хусусиятларини таснифланишини ўрганиш ҳамда илмий асослаб бериш лозим.

Мамлакатимизда фольклорни ўрганиш, айниқса воҳага мансуб бўлган фольклор жанрларини илмий амалиётга тадбиқ этиш ҳозирги замоннинг долзарб вазифаларидандир. Шундай экан мақом, мумтоз хонандалик, дostonчилик, халқона турли жанрларни хонандалик нуктаи назаридан ўрганиш керак.

Овоз қадимдан энг мукаммал чолғу сифатида қаралган. Мусиқий созлар эса уни тақлидчиси сифатида тан олинган. Шундай экан биз хонандалик санъати орқали Олот тумани фольклорини илмий-амалий изланишлар олиб бориб, барча хонандалар учун тадбиқ қилиш йўлларни излаб топиш борасида изландик.

Ушбу магистрлик малакавий иши Олот тумани тарихи, мусиқий фольклори, ўтган устозларнинг хонандалик анъаналари маҳаллий услубларидан келиб чиққан ҳолда, изланишга ҳаракат қилдик.

2. Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги. Ёшларда гўзалликни ҳис қилиш, миллий урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва уларни қадрлаш каби сифатларни таркиб топтиришда анъанавий хонандалик санъатининг алоҳида ўрни борлигини муҳтарам биринчи президентимиз И.А.Каримов 2010 йил 29 августда В.А.Успенский номидаги ихтисослаштирилган академик мусиқа лицейи очилишида “Биз миллий мусиқамизга кўпроқ эътибор қилишимиз лозим, чунки биз бу ноёб дурдоналаримизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз керак. Европа маданиятини ривожлантирувчи давлатлар талайгина, лекин бизни санъатимизни фақатгина ўзимиз ривожлантира оламиз.”¹ деб таъкидлаганлар. Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, ўқувчиларни инсонпарварлик, ватанга муҳаббат, билим ва маърифатга интилиш руҳида тарбиялаш, урф-одатлар, анъаналарни қадрлашга ундовчи омил бўлиб, улар воҳаларга хос фольклор санъатини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш ва шу билан биргаликда бўлажак ижрочиларни эстетик тарбиялашни, миллий санъатимизни чуқур ривожлантириш зарур. Дарҳақиқат, бу билан бизга четдан кириб келган санъатларни инкор этиш керак дегани эмас, балки барча санъат турларини

¹ И.А.Каримов В.А.Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа лицейи академик очилиши, “Ахборот” кўрсатуви. 2010 йил 29 август.

тўлалигича ўрганиб, менталитетимизга уйғун эътиқодларни олиб, келажак авлод вакилларига тўлалигича қолдириш асосий вазифалардандир. Қолаверса, ёш ижрочилар бу борада илмий изланишлар олиб боришлари керак. Мазкур магистрлик иши ҳам ана шундай изланишлар самараси бўлиб, унда Олот тумани фольклор мусиқасини илмий–назарий жиҳатдан ўрганиш масалалари илгари сурилади.

3. Ишнинг давлат дастурлари ёки илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Юртимизда миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни қайта тиклаш ва асраш борасида қилинаётган ишлар самараси ўлароқ, юртимизнинг чекка ҳудудларида аҳоли маданий дам олиш уйлари ва улар қошидаги фольклор ансамбллари очилди. Уларда ўз ҳудудига хос фольклор жанрларини жонлантириш ҳамда бу борадаги изланишларга кўпроқ ёшларни жалб қилиш давлатимизнинг “Ёшлар сиёсати” дастурларида акс эттирилган мавжуд устувор вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда ёшларимиз катта авлод вакилларида устоз-шогирд анъаналари орқали ўтиб келаётган миллий жанрларни ўрганиши ва ўзларидан кейинги авлодга бутунлигича етказиши “Миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантириш” давлат дастури билан чамбарчас боғлиқдир.

4. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олот тумани Бухоро вилоятининг Туркменистон билан чегара тумани бўлиб, бу ерда асосан деҳқончилик ва чорвачилик ривожлантирилиб, маданий соҳалари эътибордан биров четда қолиб кетган. Бухоро вилояти фольклор жанрлари ичида Олот туманининг жанр кўринишлари йўқ. Бухоро воҳасининг Мавриги, Бухорча, Айтим, Ялла, Терма каби жанрлари орасида Олот ва Қорақўл туманларига хос жанрлари учрамайди.

Бу туманлар фақатгина фольклоршунос Гулчеҳра Рўзиқулова томонидан ўрганилган бўлсада, мусиқий хусусиятларига кенг урғу берилмаган. Асосан кекса авлод вакилларида қадимий айтимларни ва туманга хос урф-одатларни тўплаш ва магнит тасмаларига ёзиш билан чегараланган. Шунга оид китоблар нашр этилган: Г.Рўзиқулова “Олот дурдоналари (Халқ оғзаки ижоди намуналари)”, Бухоро нашриёти, 1999 й.; Г.Рўзиқулова. “Олот дурдоналари”, иккинчи нашр, Бухоро нашриёти, 2009 й.; Г.Рўзиқулова. “Жавоҳирлар хазинаси”, Бухоро нашриёти, 2012 й.

5. Тадқиқотнинг мақсади. Олот туманида мавжуд жанр ва услублар, яъни, миллий фольклор ижрочилиги, мамлакатимиздаги маҳаллий услубларнинг анъанавий ижрочилик хусусиятларини ўрганиш кўзда тутилади. Бундан ташқари мусиқий жиҳатдан нотага олиш, бошқа туманларидан фарқи ва хусусиятларини очиқ бериш асосий мақсадимиздир.

6. Тадқиқот объекти: Олот тумани муסיқий фольклори бўлиб, Бухоро вилоятининг Жондор, Қорақўл туманлари, Хоразм вилояти, Туркменистон Республикасининг Лебаб вилояти фольклор жанрларининг таъсири, Чор Россиясининг хукмронлик даври таъсири эса тадқиқот субъекти сифатида олинди.

7. Тадқиқотнинг предмети.

- Олот туманининг фольклор жанрида географик жойлашув, қўшни туман ва вилоятларнинг таъсирини илмий ўрганиш;
- Олот тумани фольклор жанрининг асл ижрочилари ижодини ўрганиш;
- Ижро услубларига таъриф бериш;
- Олот туманининг муסיқий ривожланиши ва тарихий келиб чиқишини босқичма–босқич таҳлил қилиш;
- Олот тумани фольклорида мавжуд муסיқий асарларни нотага олиш, илмий асослаб, истеъмолга киритиш;

8. Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги шундаки;

1. Олот тумани фольклор муסיқасида ижрочилик хусусиятларининг ўзига хос ўрни.
2. Олот тумани шева хусусиятлари ва мелизмларининг ўзига хослиги.
3. Замонавий ижрочиликда Олот тумани муסיқий жанрларига янгича ёндашув.
4. Олот туманининг мавжуд ижрочилик услублари ўрганилиши.

9. Баъжарилиши қўтилаётган тадқиқот ишлари режаси.

1. Мавзу бўйича барча маълумотларни тўплаш;
2. Барча манбалардан маълумотларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиш;
3. Олот тумани фольклор ижрочилигини амалий ва экспериментал изланишлар орқали ўрганиш;
4. Мавжуд ижроларни нотага олиш, сўзларини чуқур таҳлил қилиб амалий нуқтаи назардан ўрганиш;
5. Олот туманини бошқа маҳаллий услуб ва воҳалардан ажратиб ўзига хос томонларини аниқлаш;
6. Қадимда маълум бўлган ижрочилик услублари атамаларини таҳлилий ўрганиш ҳамда ҳозирги услублари билан таққослаш.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, 2 боб, 5 параграф, хулоса, 22 номдаги адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 93 бет.

I-бoб. БУХОРО ВИЛОЯТИ ОЛОТ ТУМАНИ ФОЛЬКЛОР МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.

Бухоро вилояти Олот тумани фольклор тарихи

Муайян бир ҳудуд, унинг санъати, қадриятлари ҳақида сўз юритишдан аввал унинг тарихий ўтмишига, географик ўрни ва этник таркибига чуқур назар солиш фойдадан холи эмас. Чунки, ҳар қандай адабиёт ёхуд санъат намунасининг яратилишида ҳудуд ўтмишининг улкан таъсири бор, бу инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир. Шу маънода, Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилиги борасида сўз очганда унинг қадим тарихини, анъаналарини имкон қадар таҳлил қилмоқ мақсадга мувофиқдир.

Қамровни нисбатан кенгроқ олиб, даставвал ўзбек халқининг тарихига назар ташлаганда, минг йиллар давомида унинг кўплаб машаққатларни бошдан кечирганлигига, шундай бўлса-да, ўз тарихий илдизларини, бебаҳо қадриятларини сақлаб қолганлигига гувоҳ бўламиз. Зеро, айнан ана шу омил, яъни ўзликни унутмаслик, аجدодлар меросини авайлаб-асраш миллатни бир бутун ҳолда сақлаб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг билан бирга, тўқсон икки бовли ўзбек халқининг таркибига кирган ҳар бир элат, уруғ, аймақ ва улуснинг ўз тарихи, ўз маданияти ва анъаналари бор. Асрлар бўйи шаклланган фольклор қўшиқлар ва муайян ҳудуднинг ўзигагина хос бўлган удумлар ўша халқ ўтмишининг кўзгусидир. Бухоро вилояти Олот тумани ҳам ана шу улкан силсиланинг бир ҳалқасидир.

Олот – Бухоро вилоятининг кенжа туманларидан бири бўлиб, Республикамизнинг жанубий дарвозаларидан бири саналади. У қўшни Туркменистон Республикаси билан умумий чегарага эга бўлиб, 1943 йилда мустақил туман сифатида тан олинган. Истиқлолнинг дастлабки йилларида, яъни 1993 йилда туманнинг 50 йиллиги, Олот ҳудудига одамлар кўчиб келиб, яшай бошлаганлигининг 600 йиллиги кенг нишонланди. Аслида бу – расмий ахборот, нисбий маълумотдан бошқа нарса эмас.

Бир пайтлар Мохондарё (Қорақўлдарё)дан сув олган Тайқир (аслида «таги қир», яъни қир тагида, яқинида жойлашган дегани) ариғи бу воҳани асрлар бўйи сув билан таъминлаган. Тагин бир тарихий маълумот: Испанияда Олот деган шаҳар бор. Фикримизча, еттинчи асрда Марказий Осиёни забт этган араблар ўз юртларига қайтишда орлот уруғига мансуб бир элат улар билан қўшилиб кетган. Кейинроқ, араблар Испаниянинг катта қисмини ишғол этишгач, орлотлар ўша ерда муқим яшаб қолишган ва йиллар ўтиб ўз шаҳарларини барпо

этишган. Ғарб фалсафасининг улкан бўлаги, ҳатто испан трубадурлар шеърляти ҳам Ибн Сино шеърлятидан озикланганлигини ҳисобга олсак, фикримиз унчалик ҳам асоссиз эмаслиги ойдинлашади.

Энди орлот уруғи ҳақида икки оғиз маълумот. Туманга ном сифатида танланган атама айнан ана шу уруғ номидан келиб чиққан, бу ҳақда қадимги манбаларда ишончли маълумотлар мавжуд. Уларни батафсил санашга ҳожат йўқ. Айтадиганимиз шуки, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Зафарномаи Абдуллахон», Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» асарларида, ҳазрат Навоий ва Мирзо Бобур ғазалларида орлот уруғи ҳақида ноёб фикрлар бор. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур Туронзаминни мўғуллар зулмидан озод қилиш учун ўзининг мустақил қўшинини тузганда унинг таркибига ўн иккита уруғ вакилларида навкар олган, ана шу ўн икки ишончли уруғ орасида орлотлар ҳам бор эди. Соҳибқироннинг мустақиллик йўлидаги илк яширин машварати ҳам айнан Қоракўл ҳудудида, Ёдгорбек орлотнинг уйида бўлиб ўтган. Амир Темурнинг опаси Ширинбекага уйланган Муайидбек орлот ҳам то умрининг охиригача Соҳибқиронга садоқат билан хизмат қилгани маълум. Демак, орлот атамаси талаффуз эврилишлари боис «Олот»га айлангани кўриниб турибди.

Бугунги кунда орлот уруғи вакиллари мамлакатимизнинг турли бурчакларида, қолаверса, Эрон ва Афғонистонда ҳам истиқомат қилишади. Гарчи асрлар бўйи юз берган тарихий ўзгаришлар уларнинг маданияти ва удумларига турлича таъсир кўрсатган бўлса-да, улар қадимий орлот уруғи вакиллари дилар. Тўқсон икки туркий уруғлар аслида ҳозирги Монголия (Мўғулистон) ҳамда Олтой ва Урал тоғлари этакларидан дунёга тарқалгани эса алоҳида илмий ишга мавзудир.

Демак, Олот кеча ёхуд бугун пайдо бўлган ҳудуд эмас, унинг тарихий илдизлари анча чуқур. Бу ҳудудда яшовчи халқнинг оғзаки ижоди ҳам турли манба ва чашмалардан озикланган. Айнан шу ўринда туманнинг географик ўрни ўз сўзини айтади. Яъни, унинг географик жойлашуви ушбу ҳудуд фольклорига улкан таъсир кўрсатган. Юқорида таъкидланганидек, Олот тумани аҳли азалдан туркманлар билан қўшни яшаб келади. Табиийки, халқнинг шеваси, анъаналари, удумлари ва айтимларига ҳам туркманларга хос унсурлар, яъни унсурлар сингиб кетган. Боз устига, олотликларнинг аксарияти худди туркманлар ва хоразмликлар сингари ўзбек тилининг ўғиз-қарлуқ лаҳжасида сўзлашишади. Асрий борди-келдилар, маданий ва савдо алоқаларини эътиборга оладиган

бўлсак, Олот фольклори таркибидаги кўшиқ ва лапарларда, уларнинг матни ва оҳангларида туркман ва хоразмликларга хос унсурларнинг учраши табиий бир ҳолдир. Эътиборли жиҳати шуки, Бухоро вилоятининг Олот ва Қорақўлдан бошқа қарийб барча туманларида тожик тили иккинчи тил сифатида фаол истеъмолда, фақат шу икки тумандагина аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Шундай бўлса-да, сўнгги йилларда Олот фольклорига форсийзабон халқлар айтимлари ҳам сингиб борётганини эътироф этиш лозим.

Яқин кўшничилик муносабатлари боис бир халқ маданиятининг иккинчисига таъсир ўтказиши тарихда кўп учрайди. Масалан, бир пайтлар хуннлар (туркийларнинг қадимий аجدодлари) саркардаси Атилла томонидан забт этилган ҳозирги Венгрия ва Болгария ҳудудида қўлланилган атама ва иборалар кўшни Руминия ва Германияда яшовчи аҳоли орасида ҳам кенг тарқалган. Тарихий ассимиляция – тамаддунлар, маданиятлар ривожига кучли туртки берувчи омиллардан биридир. Олот халқ айтимларида учрайдиган:

*Рўмолим бўядим исли рўёна,
Новхонадан сув оқади ҳар ёна,
Бошим олиб кетсам Фароб района,
Шунда ҳам совумас ёнган юрагим.*

каби мисралар, ёхуд “*Қорақўлдан келарман, қошим қаро*” сингари айтимлар фикримизни исботлаб турибди. Фароб – кўшни Туркменистоннинг собиқ Чоржўй, ҳозирги Лебаб вилоятига қарашли, Олот билан чегарадош туман.

Ҳар қандай ҳудуд каби, Олот ҳам ривожланишнинг барча босқичларини ўз бошидан кечирган. Инсоният тараққиётидаги ўзгаришлар, кундалик турмушдаги воқеа-ҳодисалар, маиший ҳаёт муаммолари халқ айтимларида ўз аксини топган.

*Дарёлар бўйинда кема гузари,
Оқ билага қизил маржон тизали,
Кўнгиллар бир бўлса, била гезали,
Кўнгил бўлак бўлса, тамом узали.*

Юқоридаги тўртликнинг илк сатрига диққат қилинса, бир тарихий ҳолат аён кўринади. Яъни, минг йиллар бурун Моҳондарёнинг тошиши натижасида ҳозирги Қорақўл ва Олот туманлари ҳудудларида улкан сувлик ҳосил бўлган. (Аслида Қорақўл ҳам «Катта, улкан кўл» маъносини беради. Қадимги туркий тилда «қора» сўзи «буюк, улкан» маъноларида ҳам қўлланилган. Энг қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан бири бўлмиш «Дада Кўркут китоби» асарида ҳам аксарият айтимлар «*Қора бошим сенга қурбон бўлсин*» деган фикрлар билан

якунланади. Яъни, айтувчи эшитувчига ўз ҳурматини изҳор этиб, «*Сенинг ҳузурингда мағрур бошимни эгдим*» деяпти). Ҳосил бўлган улкан ҳудуддаги сувликда аҳоли балиқчилик ва овчилик билан шуғулланган. Демак, кемалар қатнови йўлга қўйилган, бандаргоҳлар, кема гузарлари, яъни ихчам портлар пайдо бўлган. Бу фикрни исботловчи далиллар Олот халқ фольклорида кўплаб топилади. Масалан:

*Айланмадан айланади кемангиз,
Ёрим, ёлгон экан берган ваъдангиз...*

мисралари билан бошланувчи халқ термасида ҳам юқорида таъкидланган тарихий вазият, турмуш тарзининг бир парчаси тасвирланади.

Қуйидаги мисралар эса халқнинг кундалик турмуши, маиший ҳаётининг бир қиррасини ойдинлаштиришга ёрдам беради:

*Паранг рўмолимни олиш эдаман,
Сизи шу жойлара тониш эдаман.*

Демак, паранг рўмол, яъни, фаранги, француз рўмоллари азалдан ушбу ҳудудда ҳам машҳур бўлган, аёлларнинг ноёб либослари қаторида турган. Ижрочи аёл тилидан, яқин дўст, дугона топган аёл тилидан куйланяпти. У ўзи учун қимматли бўлган фаранги рўмолини дугонасининг эски рўмолига алмаштиришга ҳам тайёр, яқинда шу юртга келин бўлиб тушган ёки меҳмонга келган дугонасини ўз юрти билан таништирмоқчи.

Юрт тарихидан яхши маълумки, марказдан узоқ бўлган ҳудудларда саноат ривожинисбатан суст кечади, аҳоли кўпроқ деҳқончилик, чорвачилик ёки овчилик билан шуғулланади. Шу боис ҳам ҳунарманд аҳли юксак қадрланиб, саноат маҳсулотлари ҳам камёб ҳисобланади. Бундан ўттиз йилча олдин Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов ўз дойрачиси, халқ қўшиқларининг билимдони Ҳамрокул Одилов билан жўровозликда куйлаган қўшиқда айнан шу ҳолат акс этган. Гарчи қўшиқнинг даромад қисми «Мавриги» оҳангларида куйланса-да, асосий матн Олот халқ термаларидан олинганлиги диққатга сазовордир:

*Шииани заргарга бердим,
Кечалар тортдим фироқ,
Бир қўлимга шам олибман,
Бир қўлимга шамчироқ.
Шамчироқнинг ёнганидан,
Ёнмагани яхшироқ,
Бевафо ёр бўлганидан,*

Бўлмагани яхшироқ...

Кўриниб турибдики, бир пайтлар Олот ва Қоракўл аҳли орасида жуда машҳур бўлган, тўй-томошаларда муттасил куйланган бу терма чинакам халқона, қуйма мисралардан таркиб топган. Аҳоли маиший ҳаётида ўша пайтлар жуда тақчил бўлган чироқ шишаси ногоҳ синиб қолса, уни дарҳол ташлаб юборишмаган, камёб касб эгалари бўлган заргарлар уни чегалаб беришган. Шаъм эса ўша пайтларда уйларни ёритишнинг асосий воситаси саналган.

***Томга сепдим шolini,
Баланд кўтар полини,
Омон бўлсак кўрармиз,
Ёрингнинг жамолини.***

мисралари билан бошланувчи термада эса деҳқончиликка хос унсурлар ўз аксини топган. Ҳудуд асосан сувликдан иборат бўлиб, кўриқ ерлар тақчиллиги аҳолини шоликорлик билан шуғулланишга ундаган.

Айрим термаларда эса халқнинг турмуш даражаси билан бирга ўша пайтдаги сиёсий-иқтисодий ҳолатга ҳам ишоралар бор. Масалан:

***Қошинг қаторма-қатор,
Даданг айвонда ётар,
Дадангнинг феъли курсин,
Сени червонга сотар.***

Ушбу термадан яққол хулоса чиқади: бу мисралар нисбатан кечроқ, Туркистон чор Россияси асоратига тушиб қолган даврларда яратилган. Червон, яъни, червонец – ўша пайтларда муомалада бўлган пул бирлиги, ўн сўмлик купюра. Демак, кўшиқда куйланишича, ота ўз қизининг қалинини ўн сўмлик червонецлар билан оляпти. Червон унсури ўша пайтлари Туркистон заминида яшаган кўплаб халқлар кўшиқларида учрайди. Фарғона-Андижон ҳудудларида яратилиб, анча машҳур бўлган «Гулёрахон» номли халқ кўшиғида ҳам шундай сўзлар учрайди:

***Фабриканинг эшиги,
Очилса ёпилмайди,
Фабриканинг қизлари,
Червонга сотилмайди.***

Олот тумани ҳудудига хос бўлган айрим халқ термаларида диний-мифологик аломатлар ҳам учраши қизиқарли ҳолатдир. Гарчи аҳоли турмуш даражаси анча юксалиб, эл орасида «***Мачит билан мадраса, ўртасиндан йўл***

ўтса» каби мисралар яратилган ўша пайтлари ушбу ҳудудда ўқув даргоҳлари ва мачитлар пайдо бўлганидан дарак берса, айрим термалардаги фикрлар аҳолининг дин ва пайғамбарлар тарихини чуқур билмаслигини кўрсатиб турибди:

*...Азроил қоқар қанотин,
Миниб чиқар Буроқ отин,
Олса мандин омонатин,
Шундаям гўзларман сани.*

*Худойимга бўлсак банда,
Икки қўла урсак кунда,
Пулсиротнинг кўприсинда,
Шундаям гўзларман сани...*

Юқоридаги фикримизни далиллаш учун айтиб ўтиш жоизки, Буроқ от персонажи динимиз тарихида жуда машҳур ва ҳозирга қадар сирли бўлиб қолаётган «Меърож воқеаси» билан боғлиқ. Гарчи халқ Буроқни от дея билса-да, Пайғамбаримиз уни «Отдан кичикроқ, хачирдан каттароқ жонивор» дея таърифлаганлар. Расули акрам ўша жониворга миниб, Қуддуси Шарифдаги масжид олдидан меърожга, тангри ҳузурига кўтарилганлар. Демак, Буроқ, кўшиқда таъкидланганидек, Азроилга эмас, Муҳаммад алайҳиссаломга тегишли. Дин тарихига назар ташласак, меърождан сўнг Буроқ пайғамбаримиз ҳаётларида ҳам, Ислом тарқалишида ҳам умуман кўринмайди.

Пулсирот – Сирот кўприги, қиёмат куни гуноҳкорлар ўтадиган кўприк. Ғафур Ғулом асарларидан бирининг қахрамони уни «қиличдан ўткир, қилдан ингичка» дея таърифлайди. Демак, уни «Пулсиротнинг кўприги» тарзида истеъфода этиш нотўғри. Айтимдаги *«Икки қўлга урсак кунда»* мисраси эса қадимда асирлар ёки қулларнинг оёқ-қўлларига кунда, яъни ғул урилгани ҳақида маълумот беради. Ғул - қаттиқ ёғочдан ишланадиган кишаннинг бир тури. «Ғулом» сўзининг маъноси ҳам «кишанланган, эрксиз» деганидир.

Халқ маиший турмушининг кўплаб қирралари, тирикчилик воситалари ва ҳоказолар ҳудудга хос бўлган айтимларда ўз ифодасини топган. Сувликлар чекиниб, воҳада деҳқончилик ривож топгандан сўнг халқ дон экинлари етиштирган ва табиийки, тегирмонга эҳтиёж туғилган. Қуйидаги мисолларга диққат қилайлик:

*Тегирмон угисам, уни гард бўлар,
Қайрилиб қарасам, ёра дард бўлар,
Тегирмонни гўра-гўра тортаман,*

Бу газални куйганимдан айтаман.

*Тегирмон устида марвар кўчади,
Жоним ёрим кўзгинамдан учади,
Қаддимни тикласам, белим санчади,
Ман бора билмадим, ёр ўзи галсин.*

Кўплаб кўшиқ, лапар, айтишув, ёр-ёр ва марсияларлар каби жанрлар айнан ҳудудга хос бўлган шеваларда баён этилади. Буни эса, сўзимиз бошида таъкидлаганимиздек, ҳудуд аҳлининг тили, этник таркиби билан изоҳлаш мумкин. Масалан, мармар тошдан ясалган тегирмон тоши юқоридаги айтимда «марвар» шаклида ишлатилган.

Асосан аёлларга хос бўлган чарх йигириш машғулоти ҳам, муҳаббат можаролари, айрилиқ дарди ҳам ҳудуд аҳлининг кўплаб айтимларида учрайди, бунда ҳам халқ шеваси устунлик қилиб, айрим сўзлар айнан Олот лаҳжасида ифода этилади. Масалан:

*Чарх игириб, чарх игириб ҳораман,
Чархдан туриб, ёр қошина бораман...
Сарҳовуз бўйина сарсалар мани,
Оламан дегана берсалар мани,
Оламан деганлар ола билмаса,
Ўзимнинг ёрима қўйсалар мани.*

*Рўмолим бор ўриси,
Деган қаро гўзлар,
Ўрагасим галмийди,
Деган қаро гўзлар,
Бир ёрим бор кўнгилсиз,
Деган қаро гўзлар,
Сўрагасим галмийди,
Деган қаро гўзлар.*

Термадаги «ўриси рўмол» ибораси ҳам ўша даврлардаёқ Россия билан савдо алоқалари йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди. Қолаверса, асрлар бўйи яхлит бир ҳудуд, қавму қариндош бўлиб яшаган Олот ва Қорақўл халқининг айтимлари орасида ўхшашликлар жуда кўп, айтимларда ҳудуд номлари ҳам бот-бот такрорланиб туради:

*Олот билан Қорақўл ҳамсоями, ёр-ёр,
Келин билан куёв бола қўш қоями, ёр-ёр...*

*Қоракўлдан чиқди икки милиса,
Қора кастюмингга ким тикди киса,
Топган-тутганингни тўплайвер биза,
Худо қўшган бўлса, ёр бўлай сиза.*

*Чарх йигирсам, пул бўлади, янгажон,
Бошим тўла гул бўлади, янгажон,
Олотингнинг манман деган йигити,
Эшигимда қул бўлади, янгажон.*

Маълумки, барча замонларда, ҳар қандай ҳудудда ҳам ичимлик суви масаласи катта муаммо бўлган. Гарчи Олот ва Қоракўл асрлар бўйи олдин Махондарё, кейинчалик Зарафшондан сув ичган бўлса-да, иқлим ўзгаришлари боис мазкур дарёлар қуригач, аҳоли қудуқ ва ҳовузлардан фойдаланишга мажбур бўлган. Айнан шу ҳолатлар ҳам халқ фольклор ижрочилигида ўз ифодасини топган. Жуда кўплаб айтимларда дарё, қудуқ, кўл ва сарҳовуз каби сув манбалари тилга олинади, ушбу мотивлар кўмагида айтувчининг юрак дарди, ижтимоий муаммолар ўзига хос тарзда ифода этилади:

*Дарёлар бўйина қамиш битибди,
Қамишни оралаб ёрим ўтибди,
Қамишни гўранлар қалам дегайсиз,
Олағўз ёрима салом дегайсиз.*

*Сарҳовуз бўйинда толингиз борми,
Иситмадан турар ҳолингиз борми,
Галмийсиз-гитмайсиз бизлар томона,
Бизданам суюкли ёрингиз борми?*

*Қудуқ қаздим капчада,
Ош пиширдим декчада,
Мани унутди дема,
Ёрим, ризқинг токчада.*

*Қудуқ қазганларга салом беринглар,
Ҳар куни уч бора таом беринглар,
Қудуқни қазганда суви шўр чиқса,
Айрондан тўлдириб бир жом беринглар.*

Айрим халқ термалари шунчалик маҳорат ва иқтидор билан яратилганки, юксак адабиёт талабларига шунчалик моски, уни яратган халқ даҳосига беихтиёр таҳсин айтасиз. Масалан:

Дарёлар бўйинда ман мерган бўлсам,

*Отмасмидим сан болани ғоз этиб,
Етти кеча-етти кундуз тўй бериб,
Ётмасмидим ёнгинангда ноз этиб.*

Қаранг, тўртликда нафақат туроклар, балки ички қофиялар ҳам мукаммал ва ғўзал: «ғоз этиб-ноз этиб», «отмасмидим-ётмасмидим». Бундан шундай хулоса чиқадики, халқ орасида юксак истеъдод эгалари жуда кўп бўлган. Маданият ва маърифат марказларидан хийла узок манзилларда истиқомат қилган халқ ичида туғма шоирлар, қувваи ҳофизаси бениҳоя кучли инсонлар ҳам учраган.

Шу ўринда, агар қиёслаш жоиз бўлса, бир фикрга диққат қилайлик. «Халқ сўзи» ёки «халқ куйи» деган иборалар бугун тез-тез учраб туради. Хўш, аслида бутун бошли халқ бирор шеър ёки куйнинг муаллифи бўлиши мумкинми? Бизнингча, йўқ. Чунки, ҳеч қайси замонда ҳам беш-ўн киши тўпланиб, «Келинлар, биргалашиб бир шеър ёки кўшиқ яратайлик» дея маслаҳатлашмайди. Халқ сўзи дея таърифланадиган кўшиқ матнини ҳам юқорида таъкидланганидек, асрлар тўзонида номи унутилган биронта истеъдодли шоир яратади. Худди шу каби исми унутилишга маҳкум бўлган биронта бастакорликка мойил инсон уни куйга солади. Табиатан камтарину камсукум бўладиган бундай кишилар шоирликка ёхуд бастакорликка даъво қилишмайди, бағрикенг ва дарёдилликлари боис бугун яратиб, ижро этиб, кўнгли ором топиб, эртага унутиб юбораверади. Хотираси мустаҳкам халқ эса уни ўз маънавий мулкига, маданий меросига қўшиб олади.

Тарихий ўзгаришлар, сиёсий эврилишлар, табиий офатлар, ўзаро ички низолар, босқинчилик урушлари каби кўплаб офатлар бу ҳудуд халқининг иродасини кўп бора синовдан ўтказди. Минг йиллик тарихни кўя турайлик, кейинги икки юз йилда ҳам бу ҳудудда кўплаб ўзгаришлар рўй берди, тузумлар алмашди. Аввалига Чор Россияси, кейинчалик Шўролар истибдоди остида яшаган халқ ўз маданияти, тили, миллий қадриятларини асраб қолиш учун уринди ва бунинг уддасидан чиқди. Демак, бугунги кунга қадар ўз тадқиқотчиларини кутиб ётган Олот халқ фольклор ижрочилиги ўз тарихий асосларига эга деб дадил айта оламиз. Гарчи Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари каби бахшичилик мактаблари бўлмаса-да, ҳудуднинг ўзига хос ижро усули, айтим йўли, удумлари, расм-русумлари, анъаналари мавжуд.

Истиқлол туфайли қайта қадр топган Олот тумани фольклор ижрочилиги ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, ҳали унинг

очилмаган, ўрганилмаган қирралари жуда кўп. Мазкур илмий иш ана шу йўналишдаги илк кадамдир.

1.2. Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилари

Шўролар даврида нисбатан чекка ҳудудлар бир қадар эътибордан четда қолгани сир эмас. Одатда бундай олис туманларга марказнинг, раҳбариятнинг назаридан қолган, Шўро «дохийлари»нинг ғазабига учраганлар биринчи раҳбар қилиб юборилар, улар ҳам халқ турмуш тарзини яхшилаш, унинг маданиятини юксалтиришни эмас, қандай қилиб бўлмасин ўз манфаатини ўйлаш ва юқорига ёқишни ўйлашарди. Шу сабаб мустабид тузум даврида Олот тумани фольклор ижрочилигини тадқиқ этиш масаласини ҳеч ким ўйлаб кўрмаганди. Ўтмишда эса бу ҳудудда мадраса кўрган ўқимишли инсонлар бармоқ билан санарли эди. Ана шу омиллар боис туманда халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва тўплаш билан ҳеч ким шуғулланмаган. Фақат истиқлол туфайлигина бу иш амалга ошди. Биз бу масалага бироз кейинроқ тўхталамиз.

Модомики тарих китобларида мазкур соҳага оид маълумотлар йўқ экан, юрт тарихини бир қадар билган инсонларнинг ҳикоялари ва хотираларига суянишга мажбурмиз. Кексаларнинг гувоҳлик беришларича, туманнинг барча ҳудудларида доира ёки дутор жўрлигида кўшиқ айтадиган айтимчилар бўлишган. Обишоҳ қишлоғида 19-асрда яшаб ўтган Қорабахши мерган ҳам овчилик, ҳам ҳофизлик билан ном чиқарган. У пайтларда туман ҳудудида ўзлаштирилмаган ерлар, тўқайзорлар кўп бўлган. Бахши мерган ана шу тўқайларда ҳафталаб ов қилган. Тўй-маъракаларда эса бошқалардан эшитган ва ўзи тўқиган термаларни дутор жўрлигида куйлаган. Дадам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб Абдунаби Ҳамронинг ҳикоя қилишича, Қорабахши мерган катта бувим, яъни дадамнинг бувиларининг тоғаси бўлган. Оғзаки маълумотларга кўра, Қорабахши мерган томонидан куйланган «Олтин қовоқ»» достони ўша пайтлар эл ичида анча машҳур бўлган. Унда ўша қишлоқда яшаган икки севишганнинг тақдири тўғрисида ҳикоя қилинган. Достон сюжетига кўра, ўша қишлоқда яшаган Нурсарик исмли бой тарихий шахс бўлиб, у қизини суйганига эмас, бошқага узатади, тўй куни эса баланд тут дарахти учига олтин қовоқ осдириб, мерганлар мусобақасини ўтказди. Дадамнинг айтишларича, Қорабахши мерган ушбу достонда ўз қисматини куйлаган, бой қизи Гулқирмизнинг суйгани айнан унинг ўзи бўлган. Эсимда

қолгани шуки, менинг болалик йилларимда дадам ушбу достонни бошқатдан, «Тилло кўнғироқ» номи билан ёза бошлагандилар.

«**Олтин қовоқ**» достони ёзма шаклда сақланиб қолмаган, шунинг учун унинг одамлар оғзида юрган айрим бўлакларигина мавжуд.

Туманнинг Кўнғирот худудида 20-аср бошларида яшаган Жуманиёз айтимчи ҳақида айрим оғзаки маълумотлар бор. Тили бироз чучуклиги учун уни Жуманиёз соқов деб аташган. Кексаларнинг айтишларича, айтимчи жуда гапга уста, ҳозиржавоб, хотираси ўткир киши бўлган. Ҳоҳлаган мавзусида термалар тўкиб, дойра жўрлигида айтиш қобиляти уни эл орасида машҳур қилган. Бугунги кунда ҳам тўй-ҳашамларда ижро этиладиган куйидаги термалар унинг ижодига мансуб деб тахмин қилинади:

Ҳулкар билан Тарози,

Бир-биридан норози,

Саҳар пайти қичқирар,

Ҳамсоямнинг хўрози.

Ҳой бола, бомдодда келинг,

Оёқяланг томда келинг,

Дадамнинг феъли кўп ёмон,

Кундуз эмас, шомда келинг.

Жақала, жақала, жақала,

Ариқ бўйин ёқала,

Қизлар сувга келганда,

У ер-бу ерин чўқила.

Туманнинг Денов қишлоғида XIX-асрда яшаган Ҳаббай бахши ижро этган кўшиқлар ҳозирда ҳам одамлар хотирасида. Бахшининг ижодида енгил юмор оҳанглари устувор бўлиб, у ўз айтимларида замона зайли, оддий меҳнаткашлар ҳаётидаги қийинчиликлар ва айрим ҳамқишлоқларининг ўзига хос қусурларини ҳажв остига олади.

Айтишларича, Денов қишлоғилик Мажумабой ўта бахил киши бўлган экан, Ҳаббал бахши томонидан шу бойга аталган кўшиққа эътибор қаратайлик:

Мажумабой тўй бердим деб гупиллар,

Қозонида олти биринч ҳилпиллар,

Меҳмонларнинг ош ейман деб,

Томоқлари тирқиллар,

Баракалла, Мажумабой,

Сенинг берган тўйингга.

*Зиёфата бир бедана сўйдирди,
Нимтайини олиб буёна қўйдирди.
Нимтайи билан меҳмонлари тўйдирди,
Баракалла, Мажумабой,
Сенинг берган тўйингга.*

*Хавар қўйинг Қорақўла, Лебаба,
Чавандозлар этсин отини това,
Хавар қўйинг юриб ўвама-ўва,
Баракалла, Мажумабой,
Сенинг берган тўйингга.*

Демак, айтимлардаги сатрлар аён бўляптики, ўша пайтлар Туркменистоннинг Лебаб (аслида “Лаби об” – “Сув бўйидаги шаҳар” дегани. Атаманинг келиб чиқишига сабаб шуки, то 1922 йилгача Туркменистоннинг катта қисми Бухоро амирлиги тасарруфида бўлган) вилояти ва Қорақўл тумани Олот билан чегарадош бўлиб, ўртада савдо-сотик ва маданий алоқалар йўлга қўйилган, аҳоли куда-анда бўлиб яшаган.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида туманнинг Жумабозор ҳудудида яшаган Аҳмад Норов анча таниқли айтимчи бўлган, Асли касби мироб бўлиб, туман сув хўжалигида ишлаган Аҳмад бобо жуда ҳазилкаш, шўх термаларни кўп биладиган, халқ ўйинларини ҳам маромига етказиб ижро эта оладиган инсон сифатида ном чиқарган. Тўй-ҳамшамларда у санъаткорлар билан айтишувлар айтиб, аксарият ҳолларда ғолиб чиққан. Кексаларнинг айтишларича, овози бироз хирилдоқ, аммо ёқимли бўлган Аҳмад бобо усул ва нотага унча тушмаган, бироқ қувваи ҳофизаси ҳайратланарли даражада зўр бўлиб, соатлаб тўхтамасдан шўх термаларни айта олган. Ижро давомида қўшиқ матнига мос равишда қўл ҳаракатлари ва мимикадан усталик билан фойдаланиб, одамларни бетўхтов кулдирган. Таъкидлаш жоизки, хоразмлик машҳур Жумми «ших» услубига айнан ўхшаш бўлган бундай ижро йўли йўқолиб кетиш арафасида турибди. Қўйидаги термалар Аҳмад Норов ижодига мансуб деган фикрлар мавжуд:

*Эшигингда тутинг бор,
Хурмачада сутинг бор,
Дарвозангдан ўтмайман,
Думи калта итинг бор.
Олисдаги баланд тоғлар,
Устиндаги қор деб йиғлар,
Олтишига кирган кампирлар,*

Етмишдаги чол деб йиғлар.

***«Москвич»им қаричний,
Костюмим заграничний.
Ёр ёнима галанда,
Бўларман симпатичний.***

Туманнинг Томжиқ қишлоғида яшаб, узок йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган маърифатли инсон марҳум Обид бобо Аҳадовни халқ ҳозир ҳам ҳурмат билан эслайди. Асли касби ўқитувчи бўлган Обид бобо халқ қўшиқларининг улкан билимдони эди. Ички маданияти кучли, барчани «сиз»лаб гапирадиган отахон ўзи ҳам ижод қилар, давр руҳига мос ва панд-насихатга бой шеърлар ижод қилиш билан бирга дойра жўрлигида термалар айтишни хуш кўрарди. Аҳмад Норовдан фарқли ўлароқ Обид бобонинг айтимларида қочиримлар, тағдор фикрлар бўлмас, барча қўшиқлари чуқур маъноли ва одоб доирасида эди. Унинг айтимларида мавжуд сиёсий тузумни мадҳ этиш, баландпарвоз руҳ етакчилик қилса-да, овози майин ва ширали, дойрани енгил ўйнатиб, очиқ чехра билан куйлаши томошабинни ўзига жалб этарди. Унинг хотираси ғавқулдда кучли, қофия топишга уста, муомалага кирган ўзга тилларга мансуб сўзларни ҳам ўзбекчага қофиялаб кетаверарди.

***Барча ишлар пахтада,
Дам олмасдан вахтада,
Халқ мулкани еганлар,
Ётишар авахтада...***

***Пахта билан тўлди қирлар-адирлар,
Машина рулини тутди кадрлар...***

***Партиямиз –отамиз,
Соясида ётамиз,
Пахтани тоза териб,
Ҳукуматга сотамиз...***

Обид бобонинг репертуарида булардан ташқари ҳам кўплаб айтимлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ишқ-муҳаббат ва одоб-ахлоқ мавзуларида яратилганди. Бу инсон туғма новатор, яъни яратувчанликка мойил бўлиб, аксарият ҳолларда ўзи битган шеърларни куйга солиб айтарди.

Яқин ўтмишга, 20-аср охирига назар соладиган бўлсак, бу йилларда Олот фольклор ижрочилиги ўзининг ҳадди аълосига кўтарилди. Ушбу илмий иш муаллифининг онаси, туманда таниқли санъаткор ва маданият жонкуяри Гулчехра Рўзикулова ўтган аср 80-йилларининг охирида тумандаги Болалар

ижодиёт марказида фаолият кўрсатиб, у ерда «Ўзбегим» номли болалар фольклор гуруҳини ташкил этди. Гуруҳ йўқолиб кетаётган халқ қўшиқларини қайта тиклаб, тумандаги барча илм даргоҳлари ва ташкилотларда ўз концертларини намоиш этди. Унинг фаолияти кейинчалик Бухоро вилоят телевидениесида бир неча бор ёритилиб, бу борада газеталар саҳифаларида кўплаб мақолалар чоп этилди.



(Суратда Обид бобо Аҳадов ва “Нурафшон” фольклор дастаси Наврӯз сайлида).

Гулчеҳра Рӯзиқулова кейинчалик, Олот шаҳар Маданият уйида фаолият олтиб борган даврида туманда истиқомат қилган кўплаб кесаларни

бирлаштирган “Наврўз” фольклор дастасини тузди. Унинг репертуаридаги кўшиқлар Олот шаҳридан Ҳайитгул момо Мавлонова, Жумахол Пўлатова, Денов қишлоқ фуқаролар йиғини Пичокчи маҳалласидан Норхол момо Панжиева, Ҳайит момо Тошпўлатова, Болтагул Қутлиева, Қиртай маҳалласидан Сафия ая Раҳимова, Чағас қишлоғилик Олтин момо Баратова, Рўзибиби момо Раҳимова, Пичокчи маҳалласидан Саъдулла бобо Ниёзов, Некбуви Тошева, Обиджон Аҳадовлар тилидан ёзиб олинган бўлиб, бу дурдоналар ёш авлодга мерос сифатида сақланиб қолгани таҳсинга лойиқдир.

Гулчеҳра Рўзикулова ушбу халқ кўшиқлари, термалар, аллалар, «келин салом»лар ва марсия кўшиқлари жамлаб, «Бухоро» наёриётида «Олот дурдоналари» ва «Жавоҳирлар хизинаси» номли икки тўпламини чоп эттиргани ҳам Олот фольклор ижрочилиги намуналарини сақлаб қолишда муҳим рол ўйнади.

Шу ўринда бир фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз, халқ оғзаки ижодига мансуб асарлар адабиётга хос бўлган тартиб-қоидалар ва қатъий жанрларни ҳамиша ҳам тан олавермайди. Бир пайтлар «ёр-ёр» сифатида пайдо бўлган айтим даврлар ўтиши билан ўланга ёки аллага айланиши мумкин. Бу ҳолат замон руҳи, маҳаллий шароит ва айтувчининг инон-ихтиёри билан боғлиқ.

1.3. Бухоро вилояти Олот тумани фольклор удумлари ва ижро дастури

Халқ оғзаки ижодига хос бўлган фольклор удумлари Олот туманида ҳам азал-азалдан яшаб келади. Тўйларда ижро этиладиган ўланлар ва «ёр-ёр»лар, аллалар ва марҳумлар жанозасида айтиладиган йиғи-йўқлов (марсия)лар ҳозир ҳам миллий қадриятларнинг ажралмас қисми саналади.

Ўланлар, одатда, тўй сўнгида, келин-куёв чимилдиққа киргач аёллар томонидан ижро этилади. Оқила момолар қадимдан бу ишга жиддий эътибор қаратганлар, ўлан айтилмаган келин бахтсиз бўлади дея ҳисоблашган. Қуйида намуналари келтириладиган ўланлар туман аҳли ўртасида кенг тарқалган бўлиб, қарийб барча тўйларда момолар тарафдан ижро этилади:

*Ўлан, ўлан, ҳой ўлан, ҳойдир бугун, ҳой ўлан,
Худо муборак этган тўйдир бугун, ҳой ўлан,
Ман ўланчи эмасман, ўткинчиман, ҳой ўлан,*

Ўланчингиз келгунча айтгувчиман, ҳой ўлан.

Пайгамбарнинг қизининг бахтин берсин, ҳой ўлан,

Сулаймоннинг қизининг тахтин берсин, ҳой ўлан,

Пайгамбарнинг қизини Али олмиш, ҳой ўлан,

Қиз бериб, ҳам қиз олмоқ шундан қолмиш, ҳой ўлан.

Чимилдиқнинг этаги тўққиз тугун, ҳой ўлан,

Тўққиз қизнинг сардори кетди шу кун, ҳой ўлан,

Чимилдиқнинг этаги бодланади, ҳой ўлан,

Қизни олиб, янгалар отланади, ҳой ўлан.

Чимилдиқнинг тагида жойинг қолди, ҳой ўлан,

Чинни коса ичинда пойинг қолди, ҳой ўлан,

Ўлан-ўлан, жон ўлан, ўлан кўндир, ҳой ўлан,

Ўлан айтган тилингдан менга ўптир, ҳой ўлан.

Туман халқ оғзаки ижодига мансуб асарларда ўланлар ва «ёр-ёр»лар кўпинча вобаста бўлиб келади, айрим айтимчилар уларни чалкаштириб юборишади. Буни уларнинг жанр хусусияти жиҳатдан ўхшашлиги билан изоҳлаш мумкин. Тафовут шундаки, ўланларда аксар ғамгин ва маъюс руҳ етакчилик қилади. Туғилиб ўсган, камол топган уйини, ота-онасини ташлаб кетаётган қизнинг қалбидаги дардлар, ота-она кўнглидаги қизининг келажагига боғлиқ бўлган ташвиш ўланларда ўз аксини топса, «ёр-ёр»лар кўпчилик ҳолларда қувноқ руҳда, тагдор жумлалар, қочиримлар билан ижро этилади. Уларда икки ёшнинг бахтли келажагига бўлган ишонч устунлик қилади:

Икки сандиқ рўбарў ранг беради, ёр-ёр,

Икки қуда тенг туриб, тўй беради, ёр-ёр,

Яхши ўғлон аслида уй тузуги, ёр-ёр,

Тўрамагай қиз бола, уй бузуги, ёр-ёр.

Қизил-қизил хўрозлар хирмондадир, ёр-ёр,

Ўйланмаган йигитлар армондадир, ёр-ёр,

Ой келино ой келин, ой сеники, ёр-ёр,

Мана кўрсанг, алиқомат ёр сеники, ёр-ёр.

Лачак тўйи

Туманга хос яна бир маросим Лачак тўйи деб номланади. Лачак тўйи маросими онанинг қизи олдидаги фарзларидан бири бўлиб, бу алоҳида маросим шаклида нишонланади. Қизини турмушга берган она қизи фарзандли бўлгандан кейин фарзандининг тўйи куни тушлик пайтида ушбу маросимни ўтказиб

олиши мумкин. Бунда она қизига бош-оёқ сарупо, невараси ва қудаларига ҳам совғалар улашади. Маросим учун сарфланадиган харажатларни она ўз ҳисобидан амалга оширади. Маросимни ўтказишдан мақсад қадимги момоларимизнинг одатларини кўрсатиш, ёшларимиз онгига қадимги анъаналарни сингдиришдир. Маросимда қадимги урф-одатларни биладиган кайвони момолардан фойдаланиш лозим. Келинчакка лачак кийдирилаётган пайтда қўйидаги айтимлар айтилади: яъни ота-онанг касми, эл-куннинг расми, кийгин болам лачакни, қариб момо бўлганингда, неваралар суйганингда каби ва “калтапўшак”ни бошга кийдириш ва сочи унинг ичига киритиш керак. Шундан сўнг кулоқ орқаси ва устига атир сепилган пахта қўйиб, (бу пахталардан бўлиб барчага тарқатилади, фарзанд ва невараларни кулоғи оғримасин деган удумлар қилинади) сўнгра оқ дока салла шаклида ўралади. Салла устидан кичик пешанабоғ, унинг устидан катта ғижим рўмол ёки паранг рўмол ташланади ва “келин салом” қилинади. Аввал худога, кейин эса ота-она барча тўйга келганларга ва иккала қуд томондаги барча қариндош уруғларга салом берилади. Шу тариқа аёллар доира усуллари билан базм бошлайдилар;

Қизил гулнинг донасиман онажон.

Айвонингни ўрасиман онажон,

Қизлар ичра сарасиман, онажон,

Ҳар дардийинг давосиман онажон,

Айлонайин ўзим сиздан айлоний,

Бу дунёни берганлардан айлоний.

Соч тўйи

Соч тўйи маросими қадимда момоларимиз томонидан амалга ошириладиган удумлардан. Бу маросим 15-20та қариндош-уруғлар билан, кўпроқ аёллар билан нишонланади. Қиз ёки ўғил фарзанднинг она қорнидаги 9 ой давомида ўсган сочи олиш, оналаримизнинг дуолари билан элнинг энг кекса, обрўли онахони орқали амалга оширилади. Бу удум фарзандларимизнинг она қорнидаги сочига қайчи урилгандан кейин, боланинг янги сочлари тез ўсишини, онги ҳам тез шакллана бошлашини белгилайди. Кекса момоларимиз болага ниятлар қиладилар; ақлли, мард, жасур, чакқон бўлиб, қариндош уруғларга меҳрли, содиқ фарзанд бўлишини тилаб, дуога қўл очадилар. Боланинг боши ўртасидан сочга қайчи урилади ва ҳамма сочи қайчи билан қирқиб олинади. Қирқилган сочлар ҳовли ўртасидаги дарахтнинг тагига кўмилади. Бу удум боланинг катта бўлиб, серфарзанд бўлишини белгилар экан.

Шундан сўнг, шароитдан келиб чиқиб, тайёрланган тўй дастурхони атрофида ўтиришиб, дилдан суҳбат курадилар, ўйин кулги қилишади. Кейинги удумимиз “Чилла чиқди” маросими. Қадимда момоларимиз янги туғилган чақалоқни чилла сувига солганлар (тузли сувга). Чақалоқнинг онасини ҳам ювинтирилган. Она ва чақалоқ бир ҳафталигида, 20 кунлигида ва ниҳоят 40 кунлигида чилла қувди қилинган. Кайвони аёл “Боласининг чилласи онасига кетсин” дея такрорлаб, онанинг бошидан 40 марта сув қуяди. Шу тарзда ювилганидан сўнг она ва бола чиллаларидан қутилган ҳисобланади. Ниҳоят, чилла қувиш маросими чақалоқни қариндошларига таништиришдан бошланади. 20 кунлик чақалоққа “Анбар она иси” маросими ўтказилади, қариндош уруғлар чақалоқни кўргани келишади. Кайвони аёл зиёфат дастурхони атрофидаги қариндошларга чақалоқни кўрсатиб, таъзим қилиб боланинг юзини очади ва бола тиладан салом беради. Ўтирганлар жўр бўлиб алик олишади. Шундан сўнг кайвони аёл чақалоқни ўтирганларнинг ҳар бирига яқин келтириб кўрсатар экан:

*Ҳой-ҳояси борди шунинг,
Зап дояси борди шунинг,
Мард отаси борди шунинг,
Жон бувиси борди шунинг,
Зўр акаси борди шунинг,
Жўр опаси борди шунинг,
Узоқ-узоқ жойларда,
Бахшидаси борди шунинг,*

дея даврани айлантериш чиқади. Айлантериш жараёнида чақалоқ кимга яқин келтирилса, ўша киши чақалоқни бағрига олиб, унинг юзини очган, пешонасидан ўпиб, чақалоқ қўндоғига кўрмана қўйиб, энагага қайтариб узатади. Чақалоқни шу тахлитда таништириш Олотнинг айрим қишлоқларида мавжуд бўлиб, Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини Кесакли қишлоғида яшаган Норжамол момо Худдиевадан ёзиб олинган қўйидаги айтимларни келтирамиз:

*Қаролидандир бешиги, қайрилиб олсин онаси,
Тилло қамишдан бешиги, товланиб олсин опаси,
Олма дарахтдан бешиги, айланиб олсин аммаси,
Зардоли ёғочдан бешиги, зейраниб олсин холаси,
Шафтолидандир бешиги, шапиллаб ўпсин бувиси,
Тол ёғочдандир бешиги, шақирлаб олсин бовас.,
Жийда дарахтдан бешиги, кўтара қолсин отаси.*

Ҳой-ҳойлар бўлсин,

Шугинага тўйлар бўлсин.

Тўйини беклар есин.

Дуоси шунга қолсин.

Дастурхон тўйи ёки қуда танишув

Бу маросим тўйнинг аниқ санаси белгиланиб, унга 2 кун қолганда амалга оширилади. Келиннинг уйига куёвниқидан тўйлик (яъни, туйга кетадиган барча нарсалар, озиқ-овқатлар, саруполар) олиб келинади. Мусиқа садолари ёки бир доира билан қудалар ўйин-кулги қилишиб кириб келишади. Қудалар бирга маслаҳатлашиб, тўйлик қабул қилинади. Дастурхон тузатилиб, куёв томондан борган қудаларни ҳурмат иззатини жойига қўйиб, тўрга ўтказишади. Бир-бирлари билан танишиб, сўрашиб олишади. Ёши улуғлар дуога қўл кўтариб, ўтирганлар икки ёшга бахт тилашади. Сўнгра дастурхон йиғиштирилиб, куёв томондан келган кайвони хола келин учун келтирилган саруполарни меҳмонларга кўрсатади. Ўз навбатида келиннинг онаси қизи учун қилган саруполарниям кайвони хола кўрсатади. Сарупо кўрсатган аёлларга иккала томон ўз совғасини беришади. Қудаларни ҳурматлаб, олдига совғалар қўйишади. Бу маросим шу тариқа нишонланади. Маросимда иккала томондан қариндош-уруғлар, қўшнилари, жами 50-60 киши қатнашиб мумкин. Бу маросим иккала ёш туфайли бир умрга қуда-анда бўладиган инсонлар орасида ҳурмат, меҳр-муҳаббат, оқибат ва қариндошчилик ришталарини боғлайди. Қолаверса келишилган ҳолда, иккала томоннинг розилиги билан, тўй дастурхонига тортиладиган ноз-неъматлар миқдори аниқланиб, келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олди олинади.

Жой йиғди

Асосан Олот ва Қорақўл туманлари ҳудудида ушбу маросим тўйдан кейин 3 кун ичида ўтказилади. Республикамизнинг бошқа ҳудудларида эса маҳаллий халқнинг амалдаги урф-одатлари доирасида маълум муддатларда ўтади. Келиннинг ибоси, ҳаёси, иффати ва исматини намоён этувчи бу маросим куёвнинг уйида ўтказилади. Тўй куни ёзилган баланд тўшак аёллар томонидан йиғиштирилади. Ўринни йиғишдан олдин келин онаси, қариндош-уруғлари ва барча маросимга келганларга таъзим қилади, сўнгра янгалар уни бошқа уйга олиб ўтишади. Кайвони дуо қилиб, икки ёшга бахт тилайди. Маросим иштирокчилари ҳам ният қилиб келиннинг тўшагини йиғишда иштирок этишади. Сўнгра, куёвнинг онаси қудаси, яъни келиннинг онасига “қуллуқ”

қилади ва “боққан қизингизга .берган тузингизга минг раҳмат қудажон” дея бир- бирини бағрига босишади.Янгалар келин саломни бошлашади,келин ва куёвнинг яқинлари келинга кўрмана беришади.Келинни ҳовлига олиб чиқиб куёвга,қайинотасига,амаки- тоғаларига,ҳовли -жойлар,тандир -ўчоқларга таъзим қилдиришади.

Шу тариқа махсус тайёрланган дастурхон атрофида ўтиришиб,ош ва бошқа ноз- неъматлардан тановвул қилишади.Сўнгра чилдирма чалишиб,аёллар ўйин кулгу қилишади.Базм икки уч соатгача давом этади.Маросим охирида келин томондан келган қудаларга саруполар қилиниб келиннинг онасига ҳурмат бажо келтирилади.Маросимда ҳар иккала томондан 30 -40 киши иштирок этиши мумкин.

Заваррак тўйи

Бу маросим халқ орасида” чўпкори” деб аталадиган услубда қурилган янги иморатга бағишланади.Янги уй пойдевори устига чўпкори қилиб иморат қурилади.Чўпкори кўтарилган сўнг,уй эгаси битта майда молни сўйиб,ўйнинг пойдевори устида қон чиқаради ва қариндош-уруғларига” заваррак тўйи” деб хабар беради.Қариндошлар,ҳамсоялар,яқин дўст- ёрлар янги уйни қутлаш учун ташриф буюрадилар.Улар ҳар битта устунга,қалама ё синчга имкон қадар пул тугилган янги мато боғлайдилар.Шундан сўнг, барча дастурхон атрофига ўтириб меҳмон бўлади ва юрт оқсоқоли дуо қилади,уйларнинг тез битиб,яхши кунларга,тўйларга буюришини,иморатни тиклаётган усталарнинг ҳам умрлари узок бўлишини Яратгандан сўрайди.Шу тариқа маросим тугайди.Маросимдан кейин пул тугиб боғланган матолар уйни қураётган дурадгорларга берилади.

Қўш маросими

Бу маросим баҳорга хос бўлиб Наврўзда ўтказилади.Наврўз деҳқон учун экин -тикиннинг бошланиш палласи.Деҳқон буни қўш маросими билан бошлаб юборган.Анъанага кўра, қўш маросимини бутун қишлоқ аҳли” чош бўлсин “деган ниятда чоршанба куни нишонланади. Далага қўш олиб чиқишдан олдин қишлоқнинг ҳамма хонадонларига ис чиқарилган. Одатда барака уруғи янчилмаган буғдой,арпа ва жўхори бошоқлари дастасидан иборат бўлиб,қўш маросими пайтида уларни кафтда эзиб, буғдой, арпа ва жўхори бошоқларидан ажратиб олинган. Қишлоқнинг энг кекса, серфарзанд ва табаррук отахони барча йиғилганларни қутлаб, бу йилги экин-тикиннинг баракали бўлиши истагини билдиргач, қўшга солинадиган хўкизлар ёнига боришган.

Шохгинанг мулло дарахти,

*Сенсан деҳқоннинг қаноти,
Сен бўлмасанг деҳқоннинг,
Қайриладику қаноти.*

Ерга уруғ қадаш мақсадида ҳўкизларни тайёрлаб,уларнинг шохларини ёғлашган.Ҳўкизлар ёрдамида ерни ағдаришган.Ерга сатҳини солиб,екиладиган ҳолга келтириб,уруғни сепишган.

*Ҳўкизгинам, бўйнигинанг эзилди.
Кўзгинангдан ёшлар қатор тизилди,
Бўйинтуруқ билан омоч тортмасанг,
Сенинг билан менга гўрлар қазилди.*

*Қаро ерни қоқ ёрган.
Қовун экиб лаб ёрган,
Меҳнатининг зўридан,
Тақир тепадан шох ёрган*

каби кўшиқларни айтишган. Шундан сўнг барака уруғини ҳўкизлар устидан сочқилаб, омочни ерга босиб, ҳўкизларни чухлаб юборишган.Донни ерга сепиш жараёнида кўйидаги кўшиқлар куйланган:

*Ҳайдаё-ҳайдаё, кўш ҳўкизим ҳайдаё,
Агар донни екмасанг сенга тинчлик қайдаё,
Қайдаё- қайдаё кўш ҳўкизим қайдаё,
Ерга уруғ қадамасанг,бизга ҳам ризқ қайдаё.
Навбаҳорим,хуш келдинг,майдаё –майда,
Деҳқонга ризқ-рўз бергин,майдаё- майда,
Ҳосилимиз мўл бўлсин,майдаё-майда,
Уйлар бугдойга тўлсин,майдаё-майда.*

Мушкулкушод маросими

Олот қишлоқларида қадимдан то ҳозиргача сақланиб келаётган маросимлардан бири бу “мушкулкушод”дир.”Мушкулкушод”миллий маросим ҳисобланади.Маросим 7 ёки ундан кўпроқ кишилар билан ташкил қилиниши мумкин.Аждодларимиз бу маросимни мушкуллари осон бўлиши учун 3 мартадан 7 мартагача ўтказишган.Момоларимиз бу маросимни ўтказган ҳар бир инсоннинг ишлари юришиб кетишига ишонишган.Бу маросимда 7 хил масаллиқ кўшилган ҳолда таом тайёрланган.Келган меҳмонларга яхши ният қилиб,кетаётганларида оз-оздан туз,чой,майиз,нон,исирик тарқатишган.

Қозон тўлди маросими

Бу маросим ҳам қадриятларимизнинг кенг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.”Қозон тўлди”маросими қадимдан ҳар йили Наврўз байрами олдида 17-18 март кунлари асосан Олот туманининг “Жумабозор”қишлоқ фуқаролар йиғини “Шайхлар” қишлоғида мунтазам ўтказиб келинган ва ҳозирги кунда ҳам бу анъана янада кенгайган ҳолда ўтказилмоқда.Бу маросимнинг асосий хусусиятларидан бири халқни бир-бирига яқинлаштириб,улар ўртасида меҳр-муҳаббат ришталарини боғлайди.

Маросим кунлари ҳамма хонадонларда бирор бир тансиқ таом,асосан палов тайёрланади.Шу куни “Шайхлар”қишлоғига бошқа қишлоқда яшовчи қариндош- уруғлар,дўст- ёрлар ва яқинлари ташриф буюришади.Меҳмонлар дастурхонга тортилган ноз-неъматлардан тановвул қилишиб, дийдорлашишади. Дастурхон устида ниятлар қилиниб, янаги йилда ҳам омонликда учрашишни Яратгандан сўрашади.

Йўқловлар

Худо дерман, худо дерман.

Оллога ёлвородурман,

Ўлимлар ёдима тушса,

Илондек тўлғонодурман

Олло,Раббим,олло ҳуя.

Барги сарғайган дарахтнинг

Соябони бормикан,

Манингдек куян банданинг,

Меҳрибони бормикан,

Олло,Раббим,олло,ҳуя.

Ўлимнинг элчиси гелди,

Қочинглар боғи бўстона,

Қочган билан қутулмассиз,

Қадам кўйинг гўристона,

Олло,Роббим,олло ҳуя.

Қора отли,қора тўнли,

Мани кўрмоққа келдингму?

Очилан лолазорими,

Хазон этмоққа келдингму?

Олло,Роббим,олло ҳуя.

Мачит билан мадраса
Ўртасиндан йўл ўтса,
Худойим пармон берса,
Кетган инсонлар келса,
Олло,Роббим,олло хуя.

Чоймиди,чойдишмиди,
Сувни солиб қайнатдилар,
Ширин уйқуда ётгандим,
Ғамни солиб уйғотдилар
Олло,Роббим,олло хуйя

Узун-узун аргамчилар
Ерда ётарми жонларим,
Эссизгина онажоним,
Гўрда ётарми, жонларим,
Олло,Роббим,олло хуйя

Шаптолининг меваси кўп,
Донаси аччиқлигидан,
Етим ўғлони яратдинг,
Пешонаси шўрлигидан.
Олло,Роббим,олло хуйя.

Кун чиқардан кун чиқармиш,
Бир неча пармонлар билан,
Онажоним жон берармиш,
Ичида армонлар билан,
Олло Роббим,олло хуйя.

Онажоним йўл кетарлар,
Дастарида гул кетарлар,
Онажоним роҳат кўрмай,
Дунёдан кўрмай кетарлар,
Олло,Роббим,олло,хуйя.

Жон отам,жоним отам,
Жонингдан айлансин қизинг,
Пиёлада шарбат бериб,
Тегрангдан айлансин қизинг,
Олло,Роббим,олло хуйя.

Сандиқ тўла сори гуллар,
Қай бирини исқайсизлар?
Отажоним сўзларининг,
Қай бирини эсларсизлар?
Олло,Роббим,олло хуй

Жоним болам,борим болам.
Жонингдан айлансун онанг,
Пешонам шўр экан,болам,
Сенга жон бўлмади онанг
Олло,Роббим,олло хуйя.

Сени кўп кўрдими худо,
Айладику биздан жудо,
Энди онанг бу дунёда,
Юрак бағри бўлар адо,
Олло,Роббим олло,хуй

Тўйлар кўрмай кетган болам,
Хур паридек учган болам,
Мени аро йўлда қўйиб,
Жаннатларга кетган болам,
Олло,Роббим олло хуйя.

Жойларинг жаннатда бўлсин,
Парилар хизматда бўлсин,
Ёлвораман худойимга.
Мени ҳам сенга етказсин,
Олло,Роббим олло.хуйя.

Вой,онам,Каъбам онам
Экканларим поя бўлди,
Меҳнатларим зоя бўлди,
Олло,Роббим,олло хуйя.

Бу ўлим қандоқ ўлим,
Ёқамга етмади қўлим,
Ёқамга етганда қўлим,
Айро тушди энди йўлим,
Олло,Роббим,олло хуйя.

Боғбони бераҳм экан,
Ғунча гулимни узди- я,

Бемаҳал келган ўлим,
Юрак -бағрим эди- я,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Кўрай десам туйгуни йўқ,
Кирай десам эшиги йўқ,
Туйнуги йўқ,эшиги йўқ,
Жойлари макон этган онам,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Нон десам,новвот бериб боққан,
Сув ўрнига шарбат бериб боққан,
Бўйнима маржонлар таққан,
Юрагимни дармони жоним онам,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Бу тоғлар баланд тоғлар,
Ғариб кўнглимни доғлар,
Ғариб ўлса,ғариб йиғлар,
Ғариб бошимда кимлар йиғлар.
Олло,Раббим.олло ҳуйя.

Толеим бўлса эди,
Ёнган чироқ ўчармиди?
Ман суянган бу тоғлар,
Таги билан кўчармиди?
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Меҳрибоним кетдию,
Меҳри дилимдан кетмади,
Меҳрибонимдан кейин,
Ҳеч ким мани ёд этмади,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Қалдирғочни қанотига
Қил боғлаган жоним онам,
Охиратнинг йўлларига,
Бел боғлаган жоним онам.
Олло,Раббим олло ҳуйя

Қаро ерлар қаттиқмикин,
Тошлар сиза боттимикин,
Гулдек онам, гулгун онам,

Қаро ерда ёғтимикан?
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Қабристон тупроғи майда,
Сиз билан энди дийдор қайда?
Қора- қора қошларингиз,
Энди тупроқлар остинда.
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Наво дерлар,наво дерлар,
Ўлимга йўқ даво дерлар,
Кўчалардан ўтиб қолсам,
Онаси йўқ гадо дерлар,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Гулим кетди,гулим кетди,
Сайраган булбулим кетди,
Мени ғамхонага ташлаб,
Ўзи сайри чаман кетди,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Сиза бир бир тўн тикдилар,
Ёқаси йўқ,енги йўқ,
Сиза бир уй солдилар,
Эшиги туйнуги йўқ,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Аё дўстлар,биродарлар,
Биродаримдан айрилдим,
Мени ғамхонага ташлаб,
Онажонимдан айрилдим,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Ўлим мени адо қилди,
Олло,Раббим олло ҳуйя,
Юрак- бағрим яро қилди,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

II-боб Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилигининг ўзига хослиги.

2.1 Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилигининг истеъмолдаги муסיқий асарлари

Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилиги истеъмолида кўплаб муסיқий асарлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми миллий анъаналар, кундалик турмуш тарзи, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини, юксак инсоний муносабатларни тараннум этишга йўналтирилганлиги билан диққатга сазовор. Йиғи-йўқловлар эса яқин кишиларини йўқотган инсонларнинг қайғусини ўзига хос тарзда, ҳис-ҳаяжон билан, ташвиш ва ғамгин ҳолатда ижро этишга қаратилган. Ҳозир уларнинг айримларини таҳлилий кўриб чиқамиз.

*Деновлик 73 ёшли онахон
Норхол ая Панжиева
тилидан ёзиб олинган.*

Ҳой ёронлар, биродарлар,
Биродаримдан айрилдим,
Уйларимнинг дўлиси,
Иззатли меҳмонимдан айрилдим,
Олло, Раббим олло хўйя.

Иззатли меҳмоним учун,
Мен йиғламай ким йиғласин,
Сўзлари доноим учун,
Мен йиғламай ким йиғласин,
Олло, Раббим олло хўйя.

Сочлари сумбул учун,
Ман йиғламай ким йиғласин,
Юзлари гулгун учун,
Ман йиғламай ким йиғласин,
Олло, Раббим олло хўйя.

Онажоним ўзлари,
Ширмой кулчадек юзлари,
Шум асроил геланда,
Термулади қора гўзлари,
Олло, Раббим олло хўйя.

Қизил гул очилар ҳар дам,
Сўларин билмайин қолдим,
Худойим қўйди ғафлатда,
Ўларин билмайин қолдим,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Қизил гул очилар ҳар дам
Теграсидан ўтмоқ герак,
Худодан гелан ўлима,
Бандаси тек турмоқ герак,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Чашмадан чиққан илона,
Ман нечун занжир солай,
Бемаҳал гелан ўлима,
Ман нечун тоқат қилай,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Пармон билан олар жоним,
Биларман гўрда ётгоним,
Агар бўлмаса иймоним
Нечук қилғай мени Оллоҳ,
Олло,Раббим,Олло,ҳуйя.

Савол сўрар:Худойинг ким?
Расули пошшойинг ким?
Дилинг ким,рахнамойинг ким?
Нечук қилғай мени Оллоҳ,
Олло,Раббим,олло ҳуйя.

Элтиб лаҳадга қўйсалар,
Орқага боқмай қўйсалар,
Боқмам,ҳолинг не десалар,
Гўрингда тинч ёт десалар,
Олло,Раббим,олло ҳуйя

Кич-кичкина мадраса-я
Ўртасиндан йўл ўтса-я
Худодан ҳукм бўлса-я
Ўланлар қайтиб гелса-я
Олло,Раббим олло ҳуйя

Ўланлар қайтиб келмаса
Унда маком тутадие,
Жон онам,жоним онам,
Оллога топширдим сани,
Олло,Раббим,олло ҳуйя.

Мозористон сари бордим
Тўда тупроқлар ётар,
Тўда тупроқлар остинда,
Ажаб барнолар ётар,
Олло,Раббим ,олло ҳуйя.

Гежаси ётган эдим
Ёстиғим бир тошдан экан,
Сесканим турсам жойимдан,
Ғам манинг бошимда экан,
Олло,Раббим олло ҳуйя.

Халқ термалари

*Қиртай МФЙда яшаган София
ая Рахимова тилидан ёзиб олинган.*

Икки доғнинг орасидан қор гелар,
Велосипедин шинғирлатиб ёр гелар,
Велосипединг жинғироғи созали,
Бизинг ёринг ҳар бир сўзи мазали.

Қорақумда қора отлар долашар,
Куёвжона ола тўнлар ярашар,
Ола дўни узун бичманг янгалар,
Куёвжонинг оёғина ўрашар.

Дарвозамиз дарвозанга дуч эмас,
Бориб келай десам қўлим бўш эмас,
Ошиқлик дегани пишган ош эмас,
Мани ҳайрон этган ёра ёнайми.

Эртанг билан ўтасан белинга тасма,
Айланайин ёрим,ҳар жойда ётма,
Дўст бўлиб сиригни ҳар кимга айтма,
Мани ҳайрон этган ёра ёнайми.

Онажоним муллабойдан келиши,
Оёкина тор бўлибди кавуши,
Даврамизда қаҳ -қаҳ уриб кулиши,
Мани ҳайрон этган ёра ёнайми.

Қатор -қатор деразадан қарайман,
Дугонамнинг юришидан танийман,
Отиздаги ажриқининг ториман,
Шу жойдаги дугонамнинг зориман.

Атлас кўйлак хилпиллайди юрганда,
Юрагими ўт олади кўрганда,
Иккимиз ҳам бир қишлоқнинг боласи,
На бўлади келиб -кешиб юрганда.

Баланд-баланд учакларда олишдим,
Ҳеч ким гўрмасин деб ўғрин қарашдим,
Онанинг изминда ўтда олишдим,
Сўйла бола,сўйжи жоним сув бўлди.

Уч қиз гўрдим,уччаласи бирдайин,
Ичинда бириси очилан гулдайин.
Учисин ҳам овозлари булбулдайин,
Сўйла бола,сўйжи жоним сув бўлди.

Чой ичанда замин қўйдим бинога,
Ошиқлик йўлина чиқдим пиёда,
Барчамиз ҳам кам бўлмайлик дунёда,
Сўйла бола,сўйжи жоним сув бўлди

Булбула гулинг бермийсан,
Очилаверсин дедингми?
Мандан хавар олмийсан,
Соралиб ўлсин дедингми?

Қош деган қора бўлур,
Қоқса юрак пора бўлур,
Икки кўнгил бир бўлмаса,
Қоққан қошинг зое бўлур.

Ариқ роши лой акан,
Бормасам бўлар акан,
Ўғлингиз ёмон акан,

Тегмасам бўлар акан.

Боға гирасим галди,
Гуллар терасим галди,
Мана шу гун шу жойда,
Сизи гўрасим галди.

Осмонда ой ўйнийдир,
Ёра гўзим дўймийдир,
Мани севан ёрима,
Отам мани бермийдир.

Халқ қўшиқлари

*Чағаслик Рўзибиби момо Раҳимова тилидан
ёзиб олинган.*

Келди баҳорнинг ёмғири
Нағма эшарни шўр этиб,
Қурвақанинг бир боласи
Келди вақир -вуқур қилиб.

Жўжа кўзини қон тутиб,
Келди жақир- жуқур қилиб.
Анави жўжани биз томон,
Тақдир олиб келди тутиб.

Қўйи бор, чўпони бор
Жилғаликда сойи бор,
Лабларининг боли бор,
Юзларида холи бор.

Ота- онанг айтади,
Унда табиб, бунда табиб,
Мани табиб найласин.
Художониминг ўзи табиб.

Сен агар ошиқ бўлсанг
Томдан ўзингни ташлагин,
Ота- онанг сўраса ,

Беморман деб йиғлагин.

Сен агар ошиқ бўлсанг,

Ўн беш таноб ердан гапир,

Чақ- чақи бир чақирим,.

Тилло соатлардан гапир.

Сен агар ошиқ бўлсанг,

Қатор- қатор нардан гапир,

Икки уй ва бир даҳлиз,

Остонаси зардан гапир.

Сен агар ошиқ бўлсанг,

Ширин овқатлардан гапир,

Уч товоқ ёғли палов

Товуқ шўрвалардан гапир.

Гул дебон севдим сани

Гулдан жудо этдинг мани,

Энди севмасман сани,

Охир гадо этдинг мани.

Оҳ урурман,оҳ урарман

Оҳларим тутгай сани,

Дарёдаги катта наҳанг

Балиқлари ютгай сани.

Гупир- гупир от келади,

Чиқиб қаранг ким келади,

Узангини калта қўйиб,

Бўйни йўғон кал келади.

Эшикка келди бир гадой,

Ҳасосин чолди,ху деди,

Уйдан чиқиб Ойпара қиз

Уйнинг эгаси йўқ деди.

Кошки энди, бўлса эди

Сизни биза қўшса эди,

Маҳри қалин олса эди

Манга қўшиб берса эди.

Ҳамзотта отамиз гелар,

Сизни урар,бизни сўкар.

Вўлчадаги ёғни тўкар.

Ўлдим отамнинг дастидан.

“Ҳой бола,бомдан келинг
Оёқ яланг томдан келинг
Отамизинг феъли ёмон
Бозора кетанда келинг”

Хатни ўқиб “оҳай” дедим,
“Кўзгинангдан,воҳай!” дедим.

“Олма-анорингдан ўпиб
Жонни- жона қоқай дедим” дедим.

Танлабди биздек тўрани,
Йигитлар ичра сарани,
Ёз тунида томга чиқиб,
Ўйлаб ётдим Ойпарани.

...Ҳулкар билан Тарозими,
Бир- биридан нарозими?
Эрта саҳарда уйғотган,
Ҳамсояминг хўрозими!?

Турдим, бордим Юқорига,
Чорвок, кету тўпорига,
Қоронғида, тутзор қолиб,
Кирибман-ей жўхориға.

Бундан борсам ётибсиз,
Пар ёстиға ботибсиз,
Пар ёстиғи кўтарсам,
Гулдай тоза ётибсиз.

Сув келади Моридан,
Моридан ҳам наридан,
Акагинанг айлансин,
Кокилчангни торидан.

Боғингизда ари бор
Юрагимнинг зори бор,
Барно йигит бир қаранг,
Ёнингизда пари бор.

(Суратда “Наврўз” фольклор дастаси аъзолари аҳоли дам олиш санаториясида
концертда)



ПАНСИОНАТ ОТДЫХА
"X-лет Октября"
1980г.

Сўзланг, ака юракдан,
Олинг, олинг хўракдан.
Қизлар қараб қолишди,
Олиб беринг шўракдан.

Баҳор келса дарахт гулин очади,
Очан гулин тўрт тарафа сочади,
Ёшу қари баҳор либос кияди,
Наврўз айёмингиз муборак бўлсин!

Сумалагим қозонларда қайнайди,
Қариялар ўйнаб- кулиб кавлийди,
Тонг отинча дастурхона чорлийди,
Наврўз айёмингиз муборак бўлсин.

Аллалардан намуналар

*Деновлик 91 ёшлик Ҳайит момо
Тошпўлатова тилидан ёзиб олинган.*

Алла айтсам ман санга
Қулоқ солгин сан манга,
Қулоқ солсанг сан манга,
Умр тиларман санга,
Алла, жоним, алла-ё, алла,
Ширин жоним, аллаё алла.

Манинг жоним ётибди
Пар ёстиға ботибди,
Турғизманглар, жон беклар
Ўйнаб, ҳориб ётибди,
Алла айтсам ўзинга, алла
Уйқу гелсин гўзинга, алла.

Алла, алла, олимлар, алла
Дардга даво беринглар, алла
Дардли кулман, бер даво, аллаё
Ҳожатими эт раво, алла,
Алла жоним аллаё, алла,
Бахтим -борим, аллаё алла.

Алла десам бўларми, алла
Эгам, раҳминг келарми, алла.

Эгам раҳминг келанда,аллаё
Узоқ умр берарми,алла
Алла болам,аллаё,алла.
Ширин жоним,аллаё,алла.

Чўлда кийик ярадор,алла
Ман худодан гиладор,алла,
Манга бўлгин мададкор,аллаё
Юртинга бўлгин сардор,алла
Кўзим болам аллаё,алла.
Ўзим болам,аллаё,алла.

Алла,алла.полвоним алла
Элга бўлар сарбоним,алла
Шугина жоним,бир жоним,алла
Бўйнимдаги маржоним,алла,
Алла,жоним аллаё,алла,
Бахтим- борим аллаё,алла

Тоғларимнинг лоласи,алла
Кўзларимнинг жоласи,алла
Болагинам боласи,аллаё алла,
Қандак ўрик донаси,алла,
Алла жоним,аллаё алла,
Ширин жоним,аллаё алла.



(Суратда Г.Рўзикулова “Нурафшон” фольклор дастаси билан Республика “Алла” кўригида. Тошкент. 1999 й.)

Оллонинг ўзи ҳақдир,
 Ҳақдан тилагим кўпдир,
 Аллам эшитганларнинг,
 Ҳечам армони йўқдир, аллаё, алла

Олло-Оллонинг оди,
 Олло -Худонинг ёди,
 Минг ўлиб, минг тўрар,
 Шуям одам зурёди, аллаё, алла.

Қизил гул хона душар,
 Баргидан дона душар,
 Тўрамағай қиз ўғлон
 Ҳар ким ҳар ёна душаро, аллаё, алла

Оқ эди билаккинам
 Ҳақданди тилаккинам,
 Етти қат ер остинда,
 Сарғайди суяккинам, аллаё, алла

Олло,Олло,отинг яхши,
Минг қайғудан шодлик яхши,
Қадринг билмас қариндошдан,
Қадринг билган ёт яхши,аллаё,алла

Олло,Олло,чинорим
Чим,бахмалдан туморим,
Чиним билан севанда,
Тарқармикан хуморимо,аллаё,алла

Боғинг гули боғчамсано,
Уйларинг гули муғжамсано,
Алла,жоним,боламо
Бахтим -борим онамо,аллаё,алла.

Олло деб чиқсам чўллара,
Жоним болам ,аллаё
Солиғлар солиб эллара,
Борим болам,аллаё,алла.

Қизил гулинг бўлойин,
Гул бўйинга ўройин,
Сан гул бўлиб очилсанг
Ман соянгда туройин,аллаё,алла

Булбул қушинг боласи
Қамишдандир қалъаси,
Қайрилса қамиш боши,
Қайғудадир онаси,аллаё,алла

Қизил гулинг хирмони
Сан жониминг дармони,
Булбул қушим озорсиз,
Ўтмас куним бозорсиз,аллаё,алла.

Алла,алла оппоғимо
Гуллар ичра япроғимо,алла
Сан- сан манинг санойимо,
Сансиз қаён боройино,аллаё,алла

Хуйё- хуйё уёна
Хуйё деб бўлдим девона,
Девона долинда мани,
Йиғлатдинг алдо мани,аллаё,алла.

Тилим узуни болам
Юзим қизили болам,
Алла,жоним,боламо,
Бахтим-борим онамо,аллаё,алла.

Халқ термалари

*Олот шахрида яшовчи 80 ёшлик Ҳайит момо Мавлонова
тилидан ёзиб олинган.*

Ой эмасман,рой дарчангдан боқмоға
Сув эмасман,эшигингдан оқмоға,
Ҳар ёнимда ўн тўрт ўрим сочим бор,
Ипак эмас дудоғинга тоқмоға.

Ўраманг,ўраманг,оқни ўраманг,
Айролиқ дардини мандан сўраманг,
Айролиқ дардини мандан сўрасанг,
Ўзимдан бошқага асло қараманг.

Қошлари қоп-қора жапокаш ёрим,
Тизинга бош қўйсам уйқум келоди,
Уйқуми қочиран қилиғинг курсин,
Қамчи билан уран қўлларинг синсин.

Икки кастум бичтим,иккиси қора
Бириси акама,бириси ёра.
Идорада ўтиран шитоват бола,
Идорага боранда арзими сўра.

Бўйнингда мунчоғинг ўн икки шода,
Уйларинг узоқда хаёлим санда,
Узоқ этиб,яқин этиб, на дерсан,
Кўнглими сўрасанг у фақат санда.

Ошиқ бўлдим ўйнаб турган кўзинга
Қора қошинг ,узун сочинг сўзинга,
Ора-чора бир бораман ёнингга
Ўлдирсалар,хуним санинг бўйнингда.

Қозонда қайнайди мошнинг донаси,
Дарёда ўйнийди ёрнинг кемаси,
Кемачилар кемангиза ўтиринг,
Ёримжони номозшома етиринг.

Бўйнимдаги ҳароватим узилди,
Нар туялар қаториндан бузилди,
Сани кўриб манинг кўнглим бузилди,
Гелавер, жонингдан жоним айлансин.

Сочалар, сочалар, сори сочалар.
Ёриминг ошноси заргар бачалар,
Бориб айтинг ширин сўзли ёрима,
Қўлларима ўнта узук узатсин.
Онажоним, қулоқ солинг сўзима,
Ёрим кетиб, энди келдим ўзима,
Ёмонлик айласам уринг юзима,
Ёлғони йўқ, инонсангиз сўзима,

Усталинг устида чап кўзим учди,
Қўлимдан қаламим ерлара душди,
Сиздан келан хати очиб ўқисам,
Етти йиллик қайғу бошима тушди.

Отаминг ҳовлиси юқори-қуйи,
Арқадан гелади бир сури қўйи,
Қўзи ўлиб, қўйи маъраб қолмасин,
Йигит кетиб, ёри яйнаб қолмасин.

Отаминг эшиги тилло бешиги,
Зиндон экан қайниларнинг эшиги,
Онамнинг эшиги толдан бешиги,
Хандон экан ёргинамнинг эшиги.

Эшигингдан ўтади бўйи чинорим
Ҳам ақлим олибди, ҳам ихтиёрим,
Сиза қурбон бўлсин бу ширин жоним
Ёлғон сўзлар билан алдаманг мани.

Қўлими пичоқ кесди, бўлди яралар
Орамиза тушди юзи қоралар,
Орамиза гирса юзи қоралар,
Омон бўлсин бизинг ёру жўралар.

Ўрта челда ўтирантим ўт олиб,
Айраплан, ўтиб кетди хўт олиб,
Айраплан, баланд учмай, пастлаб уч.
Хат бераман, ёримжона ташлаб уч.

Олмани сўймийин оқ этса бўлар,
Текина сув қуймийин,боғ этса бўлар.
Ҳафтада ,ўн кунда гелмаган ёри,
Бир ширин сўз билан эл этса бўлар.

Эгнингда кўйлагинг алвон эмасми,
Санинг жонинг манга дармон эмасми,
Иккимиз солланиб бир боға гирсак,
Бизлар гиран боғлар бўстон эмасми.

Калапўшинг алвон экан,ёргинам.
Беран ваъданг ёлғон экан ёргинам,
Мани севасиз деб ўйлаб юрисам,
Сизи худо уран экан,ёргинам.

Калапўшинг эгри,кўлинг йўқмиди
Ёр кўлингдан кетди, пулинг йўқмиди,
Ёр кўлингдан нечун кетди,эй оғам,
Эл ичинда ор-номусинг йўқмиди.

Эшигингда бир тутинг бор донатор
Дарахтларда булбулинг бор нағмадор,
Шу районда бир ёрим бор гиладор,
Ўлмасам оларман гилаларини.

Юқори дарвоза,куйи дарвоза.
Отаминг ҳовлиси эла овоза,
Бориб айтинг отам билан онама,
Уйинда тўй берсин,баҳорда-ёзда.

Ғўза чўпи поя-поя бўларми,
Рўмолим бошинга соя бўларми,
Орзу-армон билан юрган ёргинам,
Душманинг ишина зоя бўларми.

Баланда узатсам кўлим етмади,
Ёлғончида куян мандин ўтмади,
Юрагимда кўпдир айролиқ доғи,
Етти дурли дори кўйсам битмади,

Айрилиқ деманглар,танам қақшийди.
Тирик айриландан ўлан яхшидир,
Тирик айрилиқни солма,худойим
Бирга яшаб,бирга ўлай илойим.

Акам катта,ман акамдан кичиман.
Акам киян кастумининг ичиман,
Узоқ йўлдан ҳориб чарчаб геланда,
Ҳам оёғин,ҳам кўлининг учиман.

Қизил гул экканнинг хирмони бўлмас,
Икки уйланганни дармони бўлмас,
Икки уйланганни кирманг қўйнина,
У дунё бу дунё поёни бўлмас.

Идора ичинда ўтиран ёрим
Сочини қайириб чўт уран ёрим,
Колхозлар устина ўстиргин бўлиб,
Ҳаммани оғзина қаратан ёрим.

Қоши қаро қайдин гелдинг қошима
Ошиқлик савдони солдинг бошима,
Заҳар қўшдинг ичиб дуран ошима,
Нега қайғулар ташладинг мани?

Мани қўйиб ёрим кими топдингиз
Ҳўвли солиб,дарчангизни ёптингиз,
Сизинг топганингиз еттидан қолан,
Мангаям топилар ёшгина ўғлон.

Усталнинг устида қўйдим узуми,
Шапканинг текиндан гўрдим гўзингни,
Ўпаман деб тишлаб олдинг юзими,
Беран муччиларинг тутсин ўзингни.

Ёмғир ёғиб,девор таги ҳўл бўлар.
Бизлар ўлсак дугоналар ким бўлар.
Бизлар ўлсак янги дўстлар топилар,
Устимиза олчин бахмал ёпилар.

Олма қўйдим оқ айвонинг қошина
Паранг рўмол дугонаминг бошина,
Ёрими сўрасанг ўн тўрт ёшинда,
Ўн тўрт ёшли дугонама кўп салом.

Қорамиқ тагиндан қараб бораман,
Сиёйи зулпимни тараб бораман,
Бориб сўрай идорадан ёрими,
Жойинда бўлмаса бағри пораман.

Ёронлар, ёрими бир ёр олибди.
Кўнглимда ором йўқ, йўқдир қарорим,
Ақлими, хушими шул ёр олибди,
Хушими ўғирлаб, олди қарорим.

Ўтлар ўриб, ғишша ўра билмадим.
Роша чиқиб бўйинг кўра билмадим,
Шу районда бордир икки қаламқош,
Бирин севиб, бирин сева билмадим.

Осмондаги ой бўлибман, худойим,
Ера душиб лой бўлибман, худойим,
Кунда-кунда кўрадиган ёрими,
Бир кўриша зор бўлибман, худойим,



(Ҳайитгул момо Мавлонова аёллар даврасида)

Исли экан нозвойгулнинг донаси
Фронт кетди йигитларнинг сараси,
Фронт кетса йигитларнинг сараси,

Эсон-омон қайтиб келсин ҳаммаси,

Арпа,буғдой эл –кунимнинг ошлиғи,
Манинг ёрим искаладинг бошлиғи,
Ёрим ишдан ҳориб-чарчаб геланда,
Оқ билагим бошгинасин ёстиғи,

Отим семиз аравага сиғмийди

Ёрим хапа,уйларинда турмийди,

Ойда,йилда бир бораман гўрмоға,

Ўйин билан кулгисини қўймийди.

Отиза гираман,қўлимда кўрак,
Йилқилдийди орқамдаги жамалак,
Йилқилдаса орқамдаги жамалак
Куйиб ўлсин арқамда минглаб малак.

Бўйнимда мунчоғим ўн икки шода

Уйларинг узоқда,хаёлим санда,

Узоқ этиб,яқин этиб нетарсан,

Кўнглимнинг бариси ҳаммаси санда.

Рангимнинг сориси,гулинг сориси
Ёримжонинг экиб гидан шолиси,
Бориб айтинг ола гўзли ёрима
Энди пишди экиб гидан шолиси.

Бизинг ёр кичкинадир

Рўй дарчадан қичқирадир,

Қўл узатсам биладир,

Қошини қоқиб куладир.

Бизинг ёр уйдангина,
Қарийди деволдангина,
Сояси соямга тушса,
Бир замон меҳмонгина.

Ўлан ва ёр-ёрлар

*Чагаслик Олтин ая Баротова тилидан
ёзиб олинган.*

Араванинг гупчаги ларзон кетди,ҳой ўлан,

Эссизгина ой синглим ,арзон кетди,ҳой ўлан.

Тўйхонанинг ўтини,қамоқмиди ҳой ўлан,

Қудаларинг кияни,ямоқмиди ҳой ўлан,
 Тўйхонани ўтини,тол бўлмасин,ҳой ўлан,
 Чиқиб қаранг куёви,кал бўлмасин ҳой ўлан,
 Ҳой- ҳой ўлан,ҳой ўлан,ҳойи қани ,ҳой -ҳой
 Қатламаси тақирдоқ,нони қани,ҳой ўлан,
 Тўйхонанинг ўтини,юлғун бари,ҳой ўлан.
 Ой келиннинг кияни,гулгун зари,ҳой ўлан.
 Қизил -қизил хўрозлар,хирмон сочар,ҳой ўлан.
 Уйланмаган йигитлар,тилла сочар ҳой ўлан.
 Игнам учи синди,деб,урдинг онам ҳой ўлан.
 Энди кетиб бораман,тиндинг онам,ҳой ўлан.
 Ҳой -ҳой ўлан,ҳой ўлан,ҳойдир бугун ҳой- ҳой,
 Худо муборак қилган,кундир бугун ,ҳой ўлан
 Ман ўланчи эмасман,ўткинчиман ҳой ўлан,
 Ўланчингиз галинча айтгучиман,ҳой ўлан
 Пайғамбарнинг қизини Али олмиш ҳой ўлан,
 Қиз бериб ҳам қиз олмоқ,шундан қолмиш ҳой ўлан,
 Пайғамбарнинг қизининг бахтин берсин ,ҳой ўлан.
 Сулаймоннинг қизининг тахтин берсин ҳой ўлан.
 Ҳай,ҳай ўлан,жон ўлан,мис панжара ҳой ҳой,
 Ҳар жафога кўнади қиз бечора ҳой ўлан,
 Ҳай,ҳай ўлан,жон ўлан,жон қайда бор ҳой ўлан,
 Бир яхшига бир ёмон ҳар қайда бор ҳой ўлан.

Мана кўрсанг алпқомат ёр саники ҳой ўлан.
Қизил-қизил хўрозлар хирмондадир ҳой ўлан,
Уйланмаган йигитлар армондадир ҳой ўлан
Қат -қатгина қатлама қатланади ҳой ўлан,
Қизни олиб янгалар отланади ҳой ўлан,
Қизни олиб янгалар аста юринг ҳой ўлан,
Оқ сут берган онаси дардланади ҳой ўлан.
Чимилдириқ тагида жойинг қолди ҳой ўлан,
Чинни коса ичинда пойинг қолди ҳой ўлан,
Ўлан -ўлан ҳой ўлан,ўлан кўпдир ҳой-хой,
Ўлан айтган тилингдан манга ўптир ҳой ўлан,
Икки сандиқ рўйва- рўй ранг беради ҳой ўлан,
Икки куда тенг туриб тўй беради ҳой ўлан,
Яхши ўғлон аслида уй тузуги ҳой ўлан,
Тўрамагай қиз ўғлон,уй бузуғи ҳой ўлан.

Келин саломлар

Келин пошшо салом берди
Аввал худога салом,Одам атога салом,
Ўтган пайғамбарлара,Биби Ойша,Анбар она,
Фотималарга салом.

Бир буғдойдан дон этган,
Юрак бағрин қон этган,
Кампирларнинг сарвари,
Моможонига бир салом.

Тўққиз ойлаб кўтарган
Шу кунларга етирган,
Ўтиргани эринган,
Ўғил туғдим деб керилган,
Онажонига бир салом.

Этигининг кўнжи йўқ.
Ўйда ўтириб тинжи йўқ.
Отажонига бир салом.

Атлас кўрпа тахлаган,
Бор-будини харжлаган.
Қайнонасига бир салом.

Ботинкаси пошнаלי,
Юрган йўли ошноли.
Қайнотасига бир салом.
Гўшт ичида ўмача
Йигитлар ичида бойвачча,
Куёв тўрага бир салом.
Меҳмон келса хўш деган,
Меҳмонхона бўш деган.
Тоғасига бир салом.
Ўтирган ўрни кўрпали,
Гапирган гапи сарпали.
Аммажонига салом.
Юзга кўйилган қошдек,
Ҳамма ишга бош-қошдек.
Холажонига салом.
Ўн бармоғи хиноли.
Гап-сўзлари маъноли,
Опажонига бир салом.
Этаклари хурмоли,
Қулпоқлари бурмоли,
Янгаларига бир салом.
Тиқ -тиқисин соз этган,
Чучварани оз этган,
Эрига қараб ноз этган.
Овсинига бир салом.
Шойи кўйлак ярашган,
Ҳамма ишга қарашган.
Қайнисига бир салом.
Қошлар мисли камондай,
Қанор тўла сомондай,
Амакисига бир салом.
Маърака деса шайланар,
Белига фартук боғланар,
Кайвони холага бир салом.
Токчада турган пуллардек,
Очилиб турган гуллардек.

Дугонасига бир салом.
Томига палоч босилган,
Лави-лунжи осилган.
Синглисига бир салом.
Паст деволдан қараган.
Тўй қачон деб сўраган,
Ҳамсояларга бир салом.



(Суратда “Олот дурдонаси” фольклор ансамбли байрам сайлларида келин салом маросимини намойиш этишмоқда)

Келин салом

*Олот шаҳрида яшовчи 80 ёшлик Ҳайит момо
Мавлонова тилидан ёзиб олинган.*

Куёв чопон эғнида,
Жўралари кейнида,
Олахўржин бўйнида,
Салом-салом, келин салом.
Куёв тўрага бир салом.
Осмон тўла қалдирғоч,

Орқаси тўла қора соч,
Юрагингни тўкиб –соч,
Салом-салом,келин салом,
Дугонасига бир салом.

Ой деганда юзи бор,
Кун деганда кўзи бор,
Гапида бир ҳовуч тузи бор,
Салом-салом,келин салом,
Холажонига бир салом.

Сўвчи бўлиб сайланган,
Дигиллари яйланган,
Қудалар тилин бойлаган,
Салом-салом,келин салом,
Сўвчиларга бир салом.

Ош капкири қўлида,
Доим қозон бўйида,
Эзгу ишлар ўйида,
Салом-салом,келин салом,
Ошпазларга бир салом.

Учиб юрган пашшадек,
Қоринлари кашшадек,
Яшашлари пошшодек,
Салом-салом,келин салом,
Тоғасига бир салом.

Олот халқ термалари

Чарх игира ,чарх игира ҳораман
Чархдан туриб ёр қошина бораман
Ёргинам,нодонгинам гел ёнима
Бир замон меҳмон бўлий ёр ёнида.
Нақорот:

Савзивант саккиз дарахтнинг дўғриси
Ман бўлай гўзал жувоннинг ўғриси
Ман бўлинча ёри бўлсин ўғриси
Ман бўлай нозик қўлининг қамчиси

Нақорот:

Савзивант айтишмагин манинг билан
Созиворим келмийди санинг билан,
Савзивант айтиб берай боши билан,
Бир товоқ палов келтир,устида гўшти билан.

Нақорот:

Қаршида қор ёғади,бунда қиров
Чорчиллик рўмолгинам қолди гаров
Чорчиллик рўмолгинам қолса гаров
Ёр билан ўйнашанда синди қўлим.

Нақорот:

Тегирмон угирсам уни гард бўлар
Қайрилиб қарасам,ёра дард бўлар
Тегирмонни гўра -гўра тортаман
Бў ғазални куянимдан айтаман

Тегирмонни гўра солсам тортмийди
Севар ёра жойлар солсам ётмийди,
Ман пиширдим етти дурли таомни
Кўнглим учун биттасидан тотмийди

Чархим таноб ташлайди -ё гулбоққа
Бир балони бошлайди -ё гулбоққа
Кундошлилик қурисин- о гулбоққа
Кунда уруш бошлайди- ё гулбоққа



(“Нурафшон” фольклор дастаси ижодий фаолиятидан. Суратда Г.Рўзикулова, А.Ҳамроев. 1988 й.)

Осмона қарасам ойлар камашар,
 Ёримжона қора камзул ярашар,
 Қора камзулинга астар бўлойин.
 Ёргинам,ўзинга хуштор бўлойин.

Дарёсан,дарёсан оқишли дарё
 Мана сан дарёда оқмасам бўлмас
 Эгнима даройи кўйлагим кийиб
 Ёрнинг юрагини ёқмасам бўлмас.

Нақорот:

Қора камзулинга астар бўлойин
 Ёргинам ўзинга хуштор бўлойин

Дарёлар бўйинда камиш битибди
 Камишни оралаб ёрим ўтибди
 Камишни гўранлар қалам дегайсиз
 Олагўз ёрима салом дегайсиз

Қўлимда узугим қоши бурма қош
Мани ташлаб кетан ёринг бағри тош,
Бориб айтинг бағри тош ул ёрима
Қўлимда рўмолим,гўзларимда ёш.

Олмани найлайин норинг бўлмаса.
Номуси найлайин оринг бўлмаса
Етти кунлик бевафони найлайин
То умринг ўтгунча ёринг бўлмаса.

Дарёлар бўйинда ман мерган бўлсам.
Отмасмидим сан болани ғоз этиб.
Етти кеча,етти кундуз тўй бериб
Ётмасмидим ёнгинангда ноз этиб.

Қошларинг қародир пайвастанан ёр
Сани кўраман деб ҳавасданан ёр,
Сани кўроман деб кўро билмасам
Тўтиқуш боласи қафасданан ёр.

Дарёлар бўйинда кема гузари
Оқ биллага қизил маржон дузали
Кўнгиллар бир бўлса била гезали
Кўнгил бўлак бўлса,тамом узали.

Бора-бора боришими йитирдим
Чаманда очилган гуллар омонми,
Ўрта йўлда ковушими йитирдим
Боғда очилан тоза гуллар омонми

Нақорат:

Чаманда очилан гуллар омонми

Боғда очилан тоза гуллар омонми

Оёғимда қора ковуш қадоқли
Тегманг опа ман бирова адоқли,
Кеча борай десам ойлар қоронғу,
Кундуз борай десам,изим сўроқли.



Нақорат:

Сарҳовуз бўйинда, Сарой элинда
 Сори гулли рўмолгинам бўйнимда
 Икки гўзим шу ёриминг йўлинда.
 Нелар бўлди манинг ёрим галмади

Нақорат:

Сарҳовуз бўйинда толингиз борми
 Иситмадан турар ҳолингиз борми
 Галмисиз гитмисиз бизлар томонга
 Бизданам севиқли ёрингиз борми.

Сарҳовуз бўйина сарсалар мани
 Оламан дегана берсалар мани
 Оламан деганлар ола билмаса
 Ўзиминг ёрима қўйсалар мани.

Рўмолим бор ўриси деган қора гўзлар.
 Ўрагасим галмийди деган қора гўзлар.
 Бир ёрим бор кўнгилсиз деган қора гўзлар,

Сўрагисим гелмийди деган қора гўзлар.

Нақорат:

Даста-даста гулларни терган қора гўзлар

Ғижим рўмолим бор деган қора гўзлар
Олиб токчада қўйсам деган қора гўзлар,
Севиқли ёрим бўлса деган қора гўзлар,
Ёйиб бошима солса деган қора гўзлар.

Нақорат:

Ғижимдан рўмолинг бор деган қора гўзлар
Оқ юзингда холинг бор деган қора гўзлар
Кампирлар қўшиқчиси деган қора гўзлар,
Сўзларингда болинг бор деган қора гўзлар.

Панжарадан дош гелур ўргилатаман ёр
Хумор гўздан ёш келур айланатаман ёр,
Сизни биза қўшсалар ўргилатаман ёр,
Эшитганга хуш келур айланатаман ёр.

Нақорот:

Ўргилатаман ёр, айланатаман ёр
Оёғимда хиром этик ғирчиллатаман ёр
Ариқ бўйи музлама ўргилатаман ёр
Қўй гўштини тузлама айланатаман ёр,
Ўз ёринг уйда қўйиб ўргилатаман ёр,
Бегонани кўзлама айланатаман ёр.

Нақорот:

Ака отинг кўкмиди, ўргилатаман ёр
Кўк бедаси йўқмиди, айланатаман ёр
Бунча менга қарайсиз ўргилатаман ёр
Севганингиз йўқмиди айланатаман ёр

Нақорат:

Эшик олди шўролар ўргилатаман ёр
Оёғима ўралар айланатаман ёр
Ашула тамом бўлди ўргилатаман ёр,
Яхши қолинг жўралар айланатаман ёр

Дарвоза тагиндан галади совук,

Не бало гелибсиз хоним, изимдан қувиб,
Қичқириб топмадим отингизни товиб,
Надир гунойим, жўражон ,оёқ остингда.

Нақорат:

*О ралли ,ралли,ралли,оғам дўстларга балли,
О ралли ,ралли,ралли,қоматингизга балли.*

Дугонажон, дугонажон дедингиз,
Рўмол-рўмол майизими едингиз
Рўмол-рўмол майизиминг боли бор,
Дугонамни чап юзида холи бор.

Нақорат:

Паранг рўмолими олиш этаман,
Сизни шу жойларда тониш этаман,
Сизни шу жойларда тониш этмасам,
Художонимаэй нолиш этаман.

Нақорат:

Эртанг билан чиқдим жигда қатора,
Овозим хушладим тилло дутора
Отингдан айланий дуторчи бола,
Умрим зоя кетди бевафо ёра.

Нақорат:

Рўмолим бўядим исли рўёна
Нўвхонадан сув оқади ҳар ёна
Бошим олиб кетсам Фараб района
Шундаям совимас ёнган юрагим.



Қизил гулни экдим эрмаклар учун,
Ичинда солланиб юрмаклар учун,
Эшигингда кунда тўққиз ўтаман,
Севар ёрим сани кўрмаклар учун.

Соллана, соллана сарой солдирдим
Саройинг ичини гулдан тўлдирдим.
Гулнинг шохасини булбул қайирди,
Душман курсин мани ёрдан айирди.

Кўшлардан галаман кўлимда кўза
Орқама қарасам камзули тоза
Камзули тозанинг садафи саккиз,
Кўлини ушласам эти суяксиз.

Дарвозамиз дарвозанга боқади
Орамиздан катта дарё оқади,
Ёрим эшигингдан қараб туришинг,
Мани ширин жоним ўда ёқади.

Доира чалсам ўн бармоғим ўйнийди,
Ўйнамоға дўстим мани қўймийди,
Сизнинг рангингизга қанча боқсам ҳам,

Икки кўзим сизга қараб тўймайди.

Эшигингда балхи тутинг бишибди,
Шохалари ҳар ёнлара тушибди,
Эссизгина мани севикли ёрим,
Ғамлар чекиб ,дўшаклара тушибди.

Дарёсан ,дарёсан сувинг шўр экан.

Айланиб оқмадинг умринг хор экан

Устларингдан катта шаҳар ,йўл экан,

Сўйла дарё шўрдан ёрим ўтдими.

Бошимда рўмолим икки бўлдимми?
Сандан айриланда куйиб ўлдимми?
Кўнглингга гелмасин куйиб ўлди деб,
Санданам бошқани топдим,кўрдингми?

Юқоридан эсмас шамол эсади

Билагими ўтмас пичоқ кесади,

Отам деган ноинсофа қаранглар

Ёр галажак йўла янтоқ босади.

Нақорат:

Аёнларим айтасларим галмийди

Бу ерларда юрисларим галмийди

Дарёлар бўйина чиқиб сув олдим
Тол хипча белингни кўриб қувондим,
Хипча белларинга кўз тегмасин,деб,
Эшон -муллолардан дуолар олдим.

Нақорат:

Дарёлар бўйинда кўрпа -майсалар

Иккимизни ўртасинда қўйсалар,

Кимнинг ўғли кимнинг қизи десалар,

Иккиси қариндошбача десалар.

Нақорат:

Араванинг уч тахтаси оқ ёғоч,
Ақлими олибди қошлари қийғоч,
Агар отам шу болага бермаса,
Хиёлим айтади шунинг билан қоч.

Нақорат:

Оёғимда ботинка бор, жулоб йўк,

Ҳамминг ёри бор ,манинг ёрим йўқ,
Ёри йўқ деб айб этманглар янгалар,
Ҳали онасидан туғилгани йўқ.

Нақорат:

Орқа сочим жамалагим тортади.
Ҳар гўранда уйга гел деб айтади,
Бормий- бормий бир айланиб боранда,
Юрагинда дардин қўймай айтади.

Нақорат:

Айланмадан айланади кемангиз.
Ёрим ,ёлғон экан беран ваъдангиз,
Агар ёлғон бўлса беран ваъдангиз,
Энди билдим чин душманим экансиз.

Нақорат:

Онажон,онажон ,уйлара киринг
Рўмолим учина тугмалар тугинг,
Мани соғинсангиз укамни сўвинг,
Укам билан мани дуолар қилинг.

Шишани заргарга бердим
Гежалар тортдим фироқ,
Бир қўлимга шам олибман,
Бир қўлимга шамчироқ.

Шамчироқни ёнганидан,
Ёнмагани яхшироқ,
Бевафо ёр бўлганидан ,
Бўлмагани яхшироқ.

Ой юзингга ойна бўлсам
Қаро зулфингга тароқ,
Истасанг ёнингдаман ёр,
Истамасанг сандан йироқ.

Кўккина каптар келоди
Бўйни ерга қайрилиб,
Мен нечун тоқат қилойин,
Ул севар ёрдан айрилиб,

Кўккина каптар эмасман

Кунда-кунда келмага,
Ойда-йилда бир геломан,
Ой жамолинг гўрмага.

Кичкина чарвоқ ичинда
Ўйнашайлик иккимиз,
Тоза чиққан нав дарахтга,
Чирмашайлик иккимиз.

Тоза чиққан нав дарахтнинг,
Баргида печаги бор,
Лабзидан қайтган йигитнинг,
Бўйнида лачаги бор.

Нақорот;
Айланаман озода, ёр ёр ,ёроней
Ўргиламан озода, ёр ёр ёроней.

Қошинг қиёласанми, ёр-ёр ёроней
Гул берсам оласанми, ёр-ёр ёроней
Аввалда ваъда бериб ёр-ёр ёроней
Энди уёласанми ёр-ёр ёроней

Қошинг қаторма-қатор,
Даданг айвонда ётар
Дадангни феъли ёмон
Сани червонга сотар, ёр-ёр ёроней

Кастуминг бор алача
Дардинги олай, бача
Камзулинг бор ойгули
Ўртаси чойнак гули, ё- ёр ёроней.

Чумчук урдим газ билан,
Кавоб қилдим туз билан,
Бир армоним шу эди,
Ўйнамадим сиз билан, ёр -ёр, ёроней.

Томга сепдим шолени,
Баланд кўтар полини,
Омон бўлсак кўрармиз.
Ёрингнинг жамолини, ёр -ёр ёроней.

Эшик олди сим каравот,

Ман ётмиман, ўзинг ёт,
Бозора бахмал келибди,
Олиб бермасанг нари ёт ёр-ёр ёронеи
Анди бору, анди бор,
Лабида шакар қанди бор.
Ўйнаб турган опамнинг,
Юрагида дарди бор. ёр-ёр ёронеи
Тома чиқиб тўп отдим.
Соатимни йўқотдим,
Ухлаб қолган ёрими,
Дойра чалиб уйғотдим ёр-ёр ёронеи
Том бошида тараша ,
Бўйинг бўйима яраша,
Отанг манга бермаса,
Эрта кўрсин томоша ёр-ёр ёронеи
Томда товук ётибди,
Оёқлари қотибди,
Уйланмаган йигитлар,
Якка-ёлғиз ётибди ёр-ёр ёронеи
Мачит билан мадраса,
Ўртасидан йўл ўтса,
Ҳар кимнинг севан ёри,
Айтан вақтинда гелса,
Хулкар билан тарози,
Бир -биридан норози,
Эртанг билан қичқиради.
Ҳамсоямнинг хўрози.

Теракдан тўкилар япроқ,
Ой юзлари қора қулпоқ,
Қора гўза инса тупроқ,
Шундаям гўзларман сани.
Азроил,қоқар қанотин,
Миниб чиқар Буроқ отин.
Олса мандан омонатин.
Шундаям гўзларман сани.

Худойима бўлсак банда,
Икки қўла урсак кунда,
Пулсиротинг кўприсинда,
Шундаям гўзларман сани.

Орқа ёнда бир ҳовлим бор анжирли,
Қачон борсам дарвозаси занжирли,
Шунча юриб одам бўлдим десам,
Тўйимиза нердан гелди бу жилли.

Баланда узатсам қўлим етмади,
Ёлончида куян мандан ўтмади,
Ман пиширдим етти дурли таоми,
Кўнглим учун биттасидан тотмади.

Сўзлари боллининг сочлари майда.
Қандоқ тоқат қилай ўтириб уйда,
Бўйинга қурбонман, ўзинга банда,
Ёр,ола гўзларинг олди жоними.

Патингканг ўкчаси садо беради,
Севар ёр сўзларинг маза беради,
Бормий-бормий бир борантим уйина,
Кастуминг чиқар деб азоб беради.

Айланмадан айланади кемангиз,
Шойи кўйлаги кўтарар олмангиз,
Бир кўрай деб уйингиза борантим,
Қуриб кетсин, уриб қувди аммангиз.

Мен ўзим бир олим бўлсам,
Олимлара золим бўлсам,
Ё бир бўлак совун бўлсам,
Санам олса қўлларина.

Ман ўзим бир эрка бўлсам,
Тоғлардаги серка бўлсам,
Читдан бўлан кўрпа бўлсам,
Санам ёпса устларина.

Ман ўзим бир ошиқ бўлсам,
Ошиқлара мошиқ бўлсам,

Толдан бўлан қошиқ бўлсам,
Санам олса қўлларина.

Эшик олди пардевол,
Пардеволнинг гарди бор,
Уйланмаган йигитнинг ,
Юрагида дарди бор.

Бозора бориб анжир ол,
Соатинга занжир ол,
Узоқ йўлдан гелибсан,
Гал қўйнима,тинжинг ол.

Қизил гул ўймоқ-ўймоқ,
Бормикан ёра тўймоқ,
Қайси номарднинг иши,
Қиз олиб, хотин қўймоқ.

Онажон,онажон оғрийди бошим,
Ёстиғи баланд қўй,қийилсин қошим,
Мани ташлаб гитди,номард йўлдошим,
Ҳар жойда бўлсада тутар кўз ёшим.

Онажон,онажон шоир бўлибман,
Ёрим билан Зухро-Тоҳир бўлибман,
Кечалари бир ёстиға бош қўйиб,
Кундузлари девоналар бўлибман.

Онажон,онажон қизинг бўлмийман,
Ёт эллара бердинг,рози бўлмийман,
Ёт элларнинг боғи билан боқчасин,
Ўз юртимнинг янтоғича кўрмиман.

Эгнимда кастумим беллари қайиш,
Ошиқ бўлсанг бизинг билан бир тониш,
Ошиқлиги ҳазил билманг,товариш,
Оёғимнинг босган изи червонис.

Ўтирибман шоҳсупада дол бўлиб,
Бир арзим бор,сўрамадинг лол бўлиб,
Аҳволима қарамадинг ёр бўлиб,

Сан юригин қадамима зор бўлиб.
Дарвозамиз дарвозанга боқади,
Ўртасиндан оқар дарё оқади,
Оқар дарё экан,оқдию кетди,
Бевафо ёр экан,ташлади-кетди.

Бошима ўрабман зари кундали
Жон отажон,шул ўғлона бер мани,
Жон отажон,шул ўғлона бермасанг,
Уч кундан сўнг уйларинда кўр мани.
Тегирмон устида марвар кўчади,
Жоним ёрим кўзгинамдан учади,
Қаддими тикласам белим санчади,
Ман бора билмайман,ёр ўзи гелсин.

Сочим узун, лента сола билмийман
Йўллар узок, хабар ола билмийман,
Орамизда километр йўллар бор,
Қайси йўлдан боришими билмийман.



Косани тўлдириб ичдим минодан
Ошиқлик йўлина тушдим пиёда,
Ошиқлик йўллари гулдан зиёда,
Иккаламиз яшагайлик дунёда.

Айланмадан айлангунча қарийман,
Этигингнинг сариғидан танийман,

Йўлда-изда сан ёрими гўрмасам,
Уйга кириб хуни-гирён йиғлийман.

Йиғлай-йиғлай, қўл рўмолим эзилди,
Йиғламасам ғариб кўнглим бузилди,
Икки кўзим ёр йўлига тизилди,
Гелавер, жонингдан жоним айлансин.

Отам қўлида олма,
Олмани кимга отар,
Отам деган ноинсоф,
Мани кимларга сотар.

Қошинг қароси ўсма,
Номахрам йўлим тўсма,
Номахрам,йўлим тўссанг,
Қошдан кетади ўсма.

Эшигим олди айвон,
Кўчадан ўтар карвон,
Салом берсам алиқ олмас,
Ҳовлингда борми ҳайвон?

Ариқ бўйида юлғун,
Сан мани ёрим бўлгин,
Сан манинг ёрим бўлсанг,
Дунё тургунча тургин.

Ариқ бўйида ўзим
Атлас шойида кўзим,
Шунисига ҳайронман,
Ёрга ўтмийди сўзим.

Дўппи тикдим тўқ сарик,
Ака,бошинга лойиқ,
Худойим тақдир этса
Бўйинг бўйима лойиқ.

Худо олсин золими,
Олиб қўйди ёрими,
Минг тилога бермасман,
Лабидаги холини.

Рўмолчангиз кир экан,
Ювганингиз йўқ экан.
Ман сиза ошиқлигим,
Билганингиз йўқ экан.

Эшигингда тутинг бор
Хурмачада сутинг бор,
Дарвозангдан ўтмийман,
Думи калта итинг бор.

Акажон,ҳовли йўлингиз
Шойи бахмал тўнингиз,
Бориш-келиш қилмийсиз

Кимдан қолди кўнглингиз.
Акажон,хайитинг бўлай,
Қулфу-калитинг бўлай,
Оқ чой ичган жойингда,
Пиёла доринг бўлай.

Атлас кўйлак киймиман,
Ола қопа ўхшатиб,
Қари чолга тегмиман,
Ўз отама ўхшатиб.

Ака,отинг пиёдир,
Думи ерга тегодир,
Шу замоннинг қизлари,
Танлаб эрга тегодир.

Акажон,отинг бўзмиди,
Юклаганинг тузмиди,
Чўнтагингда бир тин йўқ,
Танлаганинг қизмиди.

Сочим нимага ўсмийди,
Ювмийман,тарамиyman.
Ёрим нега келмийди,
Бир кулиб қарамийман.

Ёр дедим,адо бўлдим
Кўчада гадо бўлдим,
Кўриб бир жамолини,
Ошиқ бедаво бўлдим.

Қошинг билан кўзинга
Ошно бўлдим ўзинга,
Айтолмийман юзинга,
Инсоф берсин ўзинга.

Атлас кўйлагим енгги,
Вой –вой, юрагим тенги,
Бутун дунёни излаб,
Топмадим бўйим тенги.

Атлас кўйлак енги тор,
Енг учида хати бор,
Хатин олиб ўқисам,

Бизинг ёринг оти бор.

Воҳ,айланай бозингдан,
Ўлдим сани нозингдан,
Ўлдиравер сан,куйдиравер,
Иккала қора кўзингдан.

Боғ айлана шафтоли,
Учар кимнинг каптари,
Айтсам адо бўлмийди,
Бевафо ёр гаплари.

Салла ўраманг,ёрим.
Салладан дўппи яхши,
Ўйнаш тутмангиз ёрим,
Ўйнашдан ўзим яхши.

Бокқа кирдим тол учун,
Чумчуқ бола бор учун,
Тлдан ўзими ташладим,
Қоши қаро ёр учун.

Бедана бўлдим учдим,
Шолипояга тушдим,
Такдиримдан айланай,
Мирзо болага тушдим.

Эшигингда каравот,
Кўрпачани солиб ёт,
Отам санга бермийди,
Кечалари йиғлаб ёт.

Дарвозангдан ўтаман
Гул кўтариб йўталиб,
Сан манга ошиқ бўлсанг,
Чиқ укангни кўтариб,

Қошинг қароси манда
Ой юзинга ман банда,
Чақиранда гелмийсан,
Юзи қора шарманда.

Қараб кўзларим толди,
Бир сўзингни бермийсан,
Нимадан кўнглинг қолди,

Чақиранда гелмийсан.
 Қўш терак орасинда,
 Қўл берганингиз қани?
 Ҳечам айрилмаймиз деб,
 Сўз берганингиз қани?
 Ман бугун нима бўлдим,
 Ғамга мубтало бўлдим,
 Бир кўриб жамолини ,
 Ошиқ беқарор бўлдим.
 Ёрим келади сайраб,
 Сунбул сочини тараб,
 Ман эсимдан айрилдим,
 Қоро кўзига қараб.
 Ёрим менга боқмийди,
 Имлаб қошини қоқмийди,
 Кеча-кундуз оҳ урсам,
 Бир қайрилиб боқмийди.
 Ариқ лабини ўйдим,
 Қўлимга хино қўйдим,
 Ота-онамдан кечиб,
 Ёрима бино қўйдим.
 Бозор боши лой экан,
 Бормасам бўлар экан,
 Ўғлингиз ёмон экан,
 Тегмасам бўлар экан
 Том бошида беда бор,
 Майдасини элаб ол,
 Яхши кўран ёрингни
 Алдаб-сулдаб йўлга сол.
 Даладаги ғўзани,
 Қизлар қилди ягана,
 Яхши кўран ёрими
 Душман қилди бегона.
 Қош қораси бир бало,
 Қоронғу бўлди бу ҳаво,
 Барча дардга бор даво,

Ишқнинг дарди бедаво.

Девона-девона, девона ёрим,
Девона боғина борсанг бўлмийми?
Девона боғини тўққиз айланиб,
Манга кундал камзул олсанг бўлмийми?

Булбул қушлар шохасини қайирди
Душман курсин, мани ёрдан айирди,
Мани айиранлар айирилиб қолсин,
Буғдой хирмонидай совирилиб қолсин.

Қора сочим ўсиб қошима душди,
На савдолар манинг бошима душди,
Бориб айтинг ўшал ой юзли ёра
Жудолик захри-я ошима душди.

Ака, отинг уч яшар
Ўрама белбоғ ярашар,
Сендек барно йигитга,
Биздек қайлиқ ярашар.

Қошинг қаро деманглар,
Ўсма қўйиб келганман,
Ёрим ёмон деманглар,
Ўзим танлаб текканман.

Қошгинамнинг қийиғи,
Тоғда илоннинг қуйруғи,
Ман сиза лойиқмидим,
Такдир худонинг буйруғи.

Эшик олди мошпоя
Барги бошинга соя,
Ёмон ёрга тушибсан,
Умринг бўлибди зоя.

Ман боғингга бормийман,
Анорингга тегмийман,
Энди ақлим кирибди,
Ёмон билан юрмийман.

Ман сани ёрим десам

Орқангда ёринг бор экан,
Икки юзинг қип-қизил
Лабингда болинг бор экан.

Алқуш бўлиб алқовага ман учдим.
Қумғон қуриб, ёр оғзингдан бол ичдим,
Гўрмий-гўрмий бир гўрганда танишдим,
Бевафо ёр экан, тез айро душдим.

Қоракўлдан чикди икки милиса,
Қора кастюмингга ким қўйди киса,
Топган тутганингни йиғнайвер биза,
Худо қўшган бўлса, ёр бўлай сиза.

Боға гирсак емишимиз гўрадир,
Бойинг ўғли бизинг билан жўрадир
Жўралигим бутун элот билодир.
Ҳамма билса-билсин, оғам билмасин.

Алвон кўйлагимни тугмаси қатор,
Кийиб солланмадим, болам, гидали.
Дарёлар бўйинда сарсон этарлар.
Сайронлар этмадим, болам, гидали.

Олманинг оқиндан қизили яхши,
Ёринг яқинидан узоғи яхши.
Яқин бўлиб маломатинг чекарлар,
Узоқ бўлса интизорлик гечалар.

Қиё боқишимга бу ақлим ҳайрон.
Солланиб юришинга бу жоним қурбон.
Ошиқ бўлсанг куйиб-ёниб ўтарсан.
Сабр қилсанг мурудингга етарсан.

Қошлари қародир, кўзлари кўкдир,
Санинг билан маним гапларим кўпдир.
Гаплашиб турмага ҳоли жой бўлса.
Ёнбошлаб ичмага аччиқ чой бўлса.

Эшигингда гуллар экдим битсин деб,
Шохалари ҳар ёнлара гитсин деб,
Шохалари ҳар ёнлара гиданда,

Булбул кушлар кўниб нағма этсин деб.
 Шафтоли шохаси ларзон беради,
 Хўжалар қизини арзон беради,
 Қиз олсанглар хўжалардан олинглар.
 Отаси бой қизин арзон беради.
 Ховлимнинг ёниндан ҳовли жой олдинг
 Қайғусиз бошима қайғулар солдинг,
 Ёрими кўлимдан қайириб олдинг,
 Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим дастингдан.
 Эшигинг олдлари Найманди, ёрим,
 Найманнинг сувлари лойланди, ёрим,
 Энди биздан умидингни узавер,
 Кўнглим бошқа ёра бойланди, ёрим.



Айвоннинг тўрт бурчагида қораман.
 Сен кетган сўнг ман ким билан қоламан.
 Сен кетарсан йўлда йўлдошинг билан,
 Мен қоламан уйда кўзёшим билан,
 Қаттиқ ердан чиққан чечак сўлмасин,

Ҳеч бир ошиқ иккимиздай бўлмасин,
Иккаламиз бир ваъдага келанда,
Орамиза душман кириб қолмасин.

Эшикдан ўтади камчисин олиб,
Қозувлар қозади ерларни ёриб,
Мен сиза не десам,кўнглингиз қолиб,
Менга қарамайсиз қовоқни солиб,

Отиздан галади қўлинда кўза
Айланиб-айланиб қарайди биза,
Биз ҳам ошиқ бўлдик шу қора гўза,
Сиз севсангиз,жоним берай мен сиза.

Эшигингдан мен ўтаман кўрмакка
Бир олма бермайсан бўлиб емакка,
Аввал ўрганувдим ака демакка,
Энди уяламан ёрим демакка.

Сарҳовуз бўйига келиб тушсангиз,
Чилим берай,чой берайин ичсангиз,
Менинг бир гапим бор,сиз битирсангиз,
Жоними берайин,мани десангиз.

Арава кўшма, оқ юзларинг чанг бўлар,
Кўл булғама, элу юртга танг бўлар,
Қор ёққан оқшоми келманг, из бўлар,
Изни кўриб, элу юртда сўз бўлар.

Чарх игирсам,пул бўлади янгажон,
Бошим тўла гул бўлади янгажон,
Олотликнинг манман деган йигити,
Эшигимда қул бўлади, янгажон.

Бизнинг ёрнинг камзулининг енги йўқ,
Шу томонда бизнинг ёрнинг тенги йўқ,
Мен ёрими мақтагандан айтмийман,
Юсуф пайғамбардан унинг ками йўқ.

Сариқ гул тагида сарғайиб ётдим
Яхши ёр ахтардим, ёмон ёр топдим,
Яхшини ахтариб ёмон томонда,
Ёмон ёр қурисин, жазомни тортдим.

Қора чўгирманинг гуллари майда.

Нечун тоқат қилай, ўтириб уйда,
Бўйингга ошиқман ўзинга банда,
Ўзим ҳар жойдаман, хаёлим санда.

Эшикдан ўтади,белинда отма,
Жонингдан айланай,ҳар жойда ётма.
Кўп бўлади зўр йигитнинг душмани
Дўст билиб,сирингни ҳар жойда айтма.

Билмайин қилдим бу ишни,
Кунда бир мотам менга,
Гўзларим чиқса керакдур
Бир ситам оздир манга.

Бевафо деб англадим
Бағрима тошлар боғладим,
Бевафо ёр йўлинда,
Жонима барвод айладим.

Бошимдаги сим дока
Симга илдирманг,ака
Ман сиза ошиқ бўлдим,
Кишига билдирманг,ака.

Вўзапоя ўтини
Аччиқ экан тутуни,
Ҳеч бандага солмасин
Ошиқликнинг ўтини.

Вўзапоя шадирок
Ман ёримга шол белбоғ,
Шол белбоғинг бўлмаса,
Ўзим бўлай шамчирок.

Лампар ёнар ёғ билан.
Юрак куяр доғ билан,
Ўйнамадим-куйладим,
Ўзим севан ёр билан.

Оқ олма,қизил олма
Олмага назар солма,
Отам санга бермийди
Харидорингдан қолма.

Алвон кўйлагим тоғда
Ёрим қичқирар боғда,
Ёрим қичқирса боғда,
Мен турибман не доғда.

Алвон кўйлак толма-тол,
Сочин ўриб белга сол,
Севган ёринг ёш бўлса,
Алдаб-сулдаб йўлга сол.

Ариқ бўйинда кашша,
Кашшани сувга ташла,
Қизларга ошиқ бўлсанг,
Ширвоннинг жуплаб ташла.

2.2 Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилигининг бугунги кундаги муаммолари

Бухоро вилояти Олот тумани фольклор ижрочилигида бугунги кунда талай муаммолар тўпланиб қолган бўлиб, уларнинг ечими – ижрочи кадрлар етишмаслиги, мавжуд кадрларнинг ижро маҳорати ва касбий савияси даражаси, репертуар устида ишлаш ва уни янгилаш, концерт фаолиятини маълум тизимга солиш, реклама ва тарғибот фаолияти, чолғу асбоблари тақчиллиги масаласини ҳал этиш ва бошқа қатор тадбирлар бўлиб ҳисобланади.

2017 йил 31 майда Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорда: маданият ва санъат муассасалари, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари фаолияти ва моддий-техник базаси ҳолатини ўрганиш, шу асосда уларни зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш алоҳида таъкидланган.

Бу эса яқин истиқболда республикаимизнинг барча ҳудудлари қатори Бухоро вилояти Олот туманида фаолият юритаётган фольклор жамоалар ишини янада жонлантиришга, улар фаолиятининг самарадорлигини янги сифат даражасига кўтаришига имонимиз комил.

ХУЛОСА

1. Бухоро вилояти Олот тумани фольклор мусиқа ижрочилиги узоқ тарихга эга бўлиб, тахминан 600 йил аввал шаклланган ва авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келган.

2. Собиқ шўро тузуми даврида Бухоро вилояти Олот тумани фольклор мусиқа ижрочилигига етарлича аҳамият қаратилмади, натижада кўплаб ноёб фольклор мусикий оҳанглар ва шеърлар йўқолиб кетди.

3. Тадқиқотда XIX аср ва XX асрда фаолият кўрсатган Қорабахши мерган, Жуманиёз айтимчи, Ҳаббай бахши, Ҳайитгул Мавлонова, Жумахол Пўлатова, Норхол момо Панжиева, Ҳайит момо Тошпўлатова, Болтагул Қутлиева, Сафия ая Рахимова, Олтин момо Баратова, Рўзибиби момо Раҳимова, Саъдулла бобо Ниёзов, Некбуви Тошева сингари айтимчилар ва уларнинг ижодини ўрганиш ҳозирги кунда миллий фольклор санъатини ривожлантиришда алоҳида амаҳият касб этади.

4. Миллий мустақиллик республикамизнинг барча ҳудудлари қатори Бухоро вилояти Олот тумани фольклор мусиқа ижрочилигига ҳам янги нафас олиб келди. Деярли унутилаётган ҳудудий фольклор кўшиқлар тинимсиз изланишлар натижасида яна халқимизга қайтарилди. Олот тумани маданият бўлими қошида фаолият кўрсатаётган “Олот дурдоналари” фольклор-этнографик жамоасига 2016 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳайъатининг 6-сонли қарорига асосан “Халқ ҳаваскорлик жамоаси” унвони берилди. Бу эса ҳозирги кунда Олот туманида фольклор санъатининг янги сифат босқичига кўтарилганлигидан далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. Мақоллар тўплами. Тошкент, 2005.
2. Абу Тохирхона. “Бухоро тарихи”. Тошкент 1991.
3. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тошкент, 1974.
4. Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари. Диссертация автореферати. Т., Фан, 1996.
5. Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабатлар. Т.: Фан, 1979.
6. Жовлиев Т. Анъаналар ҳаёт сабоғи. - Т.: Ўзбекистон, 1992.

7. Жуманазаров Х. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. Тошкент 1991.
8. Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. Тошкент 1994.
9. Кароматов Ф. Ўзбек халқ мусиқа меросидан. Тошкент, 1991.
10. Қобилниёзов Ж. Хоразм халқ кўшиқлари. Т.: Фан, 1965.
11. Маҳмуд С. Ўзбек удумлари. Тошкент, 1993.
12. Мирзаев Т. Фольклор ижодкорлари ва ижрочилари / Ўзбек фольклори очерклари. Тошкент, 1968.
13. Музаффарова С. Ўзбек халқ йиғи-йўқловлари поэтикаси. Диссертация автореферати. Тошкент, 2004.
14. Мусоқулов М. Термалар. Ўзбек фольклори очерклари. Тошкент, 1988.
15. Отажон Ҳошим. Ўзбек фольклори тўғрисида. “Совет адабиёти” журнали. 7-8 бетлар. 1935.
16. “Оқ олма-қизил олма”. Ўзбек халқ ижоди. Кўшиқлар. - Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1972.
17. Рўзикулова Г. “Жавоҳирлар хазинаси”, Бухоро нашриёти, 2012.
18. Рўзикулова Г. “Олот дурдоналари (Халқ оғзаки ижоди намуналари)”, Бухоро нашриёти, 1999.
19. Рўзикулова Г. “Олот дурдоналари”, иккинчи нашр, Бухоро нашриёти, 2009.
20. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, 1986.
21. Турсунов Р. Ўзбек лапарларининг мусиқий табиати. Тошкент, 1991.
22. Усмонов О. Ўзбек тўй маросим фольклорида “Келин салом” жанри. Диссертация автореферати. Тошкент, 1999.

ИЛОВАЛАР

Шеваларим - тил боғида меваларим

Азғиш	- зарпечак
Аккол	- чўп билан ўйналадиган болалар ўйини
Аккалвоз	- алдамчи, қинғир киши
Аракчин	- дўппи, калапўш
Алвонч	- гўдак ухлайдиган ҳалинчак
Бузатор	- орани бузувчи, бузғунчи, иғвогар
Бурунч	- гуруч
Боди	- ҳавойи гапирувчи киши
Босахона	- остона, бўсаға
Биқир	- яхлит, бутун
Барак	- чучвара
Бодиёвоқ	- тери, ёғоч паншаха, буғдой совирғич
Билгир	- билағон, ўқимишли
Бичак	- қоплама (овқат тури)
Бўкалак	- сўна, чақувчи чивин
Бўкмоқ	- чопмоқ, югурмоқ
Бўгат	- уват, даҳана
Бўқирдоқ	- қорин ички аъзолари
Босалашмоқ	- олишмоқ, тепишмоқ
Бўлдимли	- йирик, бақувват
Бавак	- чақалоқ
Бўграқ	- буйрақ
Визламоқ	- эзилиб йиғламоқ
Ваққи	- сергап киши
Вижиқ	- бижирлайдиган
Вағирдамоқ	- шовқин солмоқ, бақирмоқ
Гўгайин	- кўк ари, ҳашорат
Гўданак	- яланғоч
Геччи	- эчки
Гиррик	- бурни кўтарилган, манман киши
Ганграмоқ	- эсанкирамоқ, ҳайрон бўлмоқ
Гитқир	- устомон, тезкор, шўх, серғайрат
Гупирдамоқ	- вағир вуғур қилмоқ, шовқин кўтармоқ
Гўззик	- кўзи катта, олакўз
Гаркинмоқ	- ўз- ўзини кўз - кўз қилмоқ, кўкрак кермоқ
Гулвант	- миҳ ёки гулмиҳни охири
Гагирмоқ	- кекирмоқ
Гизламоқ	- яширмоқ, бекитиш

Гамик	-кемтик,ўйиб олинган
Гудойиш	-бошқоронғи бўлмоқ
Гижма	-жуда кир,кирланган
Гунграмоқ	-дардини айтмоқ,дил ёрмоқ
Гум-гурс	-бедарак,бенишон,бадар кетиш
Гўврона	-хўкиз кўшиб ер ҳайдалганда урадиган таёқ
Дамсар	-хўрсиник,уф тортмоқ
Дигғирик	-икки девор оралиғидаги ўтиш жойи
Дўррик	-йўғон овоз
Дўсса	-тутун,дуд
Дайза	-амма,ота томонидан қариндош
Давинмоқ	-депсинмоқ,қоқилмоқ
Дўққи	-қўпол одобсиз
Дигил	-ғилдирак
Дўнмоқ	-қайтмоқ,ортга бурилмоқ
Дўвмоқ	-синдирмоқ
Дойи	-тоға
Дўпилмоқ	-ёпишмоқ,ҳамла қилмоқ
Дупмак	-тепача
Дўрмоқ	-бузиб ташламоқ,ағдармоқ
Доримоқ	-ёпишмоқ,ҳамла қилмоқ
Дўржи	-одам кўп деган маъно ёки кўнгил айниши
Дапмишак	-тепилган,босиб янчилган,олағовур,гавжум
Дўнқис тўпаланг	-ёввойи ўт ,алаф
Депик	-бир белкурак ботадиган чуқурлик
Дусунча	-деворга ишланган токча
Дамдор	-кучли ,дам олган,бақувват
Дўланмоқ	-ўралмоқ,чирмашмоқ
Дўлоқ	-пайтава
Дўржамоқ	-кўнгил айниши,беҳузурлик
Дўгмоқ	-синдирмоқ
Жўроп	-супурги
Жоникмоқ	-оташин бўлмоқ,бўғилмоқ
Жилли	-девона,жинни
Жангал	-тиканзор
Жиллирмоқ	-телба бўлмоқ
Жиржир	-беҳуда шовқин солувчи,вахимачи
Жўван	-жўхори
Жўкирмамоқ	-кўп гапирмоқ,жаврамоқ
Жул	-от ёки эшак ёпинчиғи
Жипилдирик	-майдагина,пакана

Жўги	-лўли
Жинқи	-уришқоқ ,жанжалкаш аёл
Жанахс	-енгилтак,маккора аёл,суюқоёқ
Жинжак	-ари тури,кичик қизил ари
Жакрамоқ	-вайсамоқ,кўп гапирмоқ
Жўврамоқ	-ялинмоқ
Зей	-зах,нам,аёллар лозимининг жияги
Зоми	-ҳандалак
Зигиррик	-мол ёки қўйнинг орқа қисми
Зўм	-қайсар ,ўжар
Зардоли	-ўрик
Замбар	-замбил
Зинг	-ташла,от
Зипчамоқ	-ими-жимида жўнаб қолмоқ
Зўризамин	-табобатда ишлатиладиган гиёҳ,сумбула
Зўмлатмоқ	-тиқмоқ,санчмоқ
Зипир	-баян,аккардион
Зипон	-зипиллап юрувчи,енгил оёқ
Зағама	-доира ,чилдирма
Зап бермоқ	-жўнаб қолмоқ,қочмоқ
Заваррак	-ёғоч иморат
Зингил	-тезкор ,ўткир,топқир
Икковора	-биргалашиб,бирга
Исқин	-қувват,дармон
Иттик	-ажралиб турувчи ўткир ранг,тус
Имсим	-тинч,жим
Ички	-енгсиз пахтали кийим,тугмали нимча
Илвиз	-ўргимчак
Инак	-сигир
Ичтўғоноқ	-кураш амали
Иймоқ	-емоқ
Ирмоқ	-безмоқ,безор бўлмоқ
Инонмоқ	-ишонмоқ
Исқамоқ	-ҳидламоқ
Кўкрамоқ	-хайқирмоқ,зўр бериб куйлаш
Капа	-чартак,чортоқ
Кўкқаррак	-кўкқарға
Капча	-белкурак тури(қўлбола белкурак)
Каллахум	-бош қотмоқ,гангимоқ
Кўрмонсичон	-кўрсичқон
Кол	-қўл,катта қўлмак

Куланги	-хўроз зоти,даканг
Кесакўрма	-ёғоч иморатга қалама(ёғоч)лар орасига кесак ва лой - қўйиб суваш
Курра	-хўтик,эшакнинг боласи
Карсон	-заранг коса
Кади	-ошқовоқ,қовоқ
Кўтарим	-беланги
Кача	-кигиз
Кирмак	-ипак курти
Кунжак	-бурчак
Киржимот	-қора,кулранг мато ранги
Кадибарак	-қовоқдан қилинган чучвара
Куллукичи	-мардикор,ёлланиб ишловчи
Кисса	-чўнтак
Кўрак	-кесак
Калава	-аёллар бош кийими,тожга ўхшаш безак
Лакот	-беҳол,камқувват,лоҳас
Лачак	-докадан тикиладиган рўмол
Лимпиқ	-чала қовурилган тухум
Лўкир	-югурдак,дастёр
Лаббар	-шапка ёки шляпа айвони,соябони
Латтакесмас	-уқувсиз,эпсиз
Лух	-захкашда ўсувчи сув ўти,қамиш тури,қўға
Лук	-бузилган,палағда тухум
Мунжиқ	-мунчоқ
Микроз	-қайчи
Мўкки	-махсига ўхшаш юмшоқ пойафзал
Мурут	-мўйлов
Мирзабоши	-ҳашарот,бузоқбоши
Муррик	-бужмайган, чирик
Мўсси	-мулойим,юмшоқ
Мижанак	-мағиз,ўрик донаси
Мўй	-газанда, қоракурт
Мўнти	-кулолчилик идиши,кўзача
Мажжи	-эзма, сўзамол киши
Мургиламак	-мудрамоқ,пинакка кетмоқ
Муччи	-ўпич
Мадон	-хос хона, ювиниш хонаси
Маламажир	-шубҳали, тайини йўқ
Муррайган	-сўлиган, чирик, суви қочган
Мўра	-болтанинг орқаси,ўтмас томони

Мўмал	-укувсиз,лапашанг
Манқол	-тишсиз ўроқ
Мўжак	-ҳашарот, газанда, қўнғиз
Моча	-урғочи эшак
Мағал	-шовқин-сурон
Модарзод	-яланғоч,юпун
Майна	-мия
Миллинг	-лапашанг, бўш
Нашпўтти	-нок
Новва	-нов,тарнов
Нерда	-қаерда ,қайси жойда
Нама	-нима
Овуз	-оғиз сути,туққан сигирнинг илк сути
Отиз	-ер,томорқа
Орқайин	-бемалол,шошилмайдиган
Ошоқ	-қуйи,паст томон
Отармоқ	-ташламоқ
Олапўтти	-қадимий овқат тури
Оя	-кафт, қўл
Отишмоқ	-бир асбобдан икки киши фойдаланиш
Оқ	-айрон, қатик
Пангғи	-ахмоқ,лақма ,оми
Пишак	-мушук
Патта	-дарахт тури,шумтол
Поза	-омоч учига кийдириладиган темир тиш
Пирсиён	-ўзбек эмас,эроний форсийон
Пўққа	-семиз,бақалоқ
Пояпул	-якка чўп,кичик кўприкча
Пилак	-фляга,(идиш)
Пешгир	-хам уриб,хам йиғловчи муттаҳам
Пўнгал	-ўтмас,қўпол,бесўнақай
Палахта	-пайраха
Пиёва	-ёвғон овқат
Полоч	-маккажўхори пояси
Пўсирдоқ	-қавариқ,қўл ёки оёқ қавариши
Пил	-бел,белкурак
Пўлан	-хомсемиз,ичи тушган
Пўғирдамоқ	-қайнамоқ
Палки	-чел,уват
Пиндик	-куртак,ғунча
Пўрси	-сассиқ,бадбўй

Пўмпалок	-семизча
Пойтава	-этик ичидан ўраладиган латта
Қўлвақ	-қўлбоғ, чақалокни белашда ишлатиладиган ип
Қўшнил	-қўшотар милтиқ
Қўрри	-кибрли мақтанчоқ
Қайиш	-шилпилдоқ(овқат тури)
Қистанмоқ	-шошилмоқ
Қичимон	-қичиқ гап қилувчи
Қаптол	-ёнбош, биқин
Қалама	-ингичка, иморатбоп ёғоч
Қамақ	-ёввойи ўт
Қатиш	-аралаш
Қимизқа	-чумоли
Қаринжа	-чумоли тури
Қўндоқ	-чақалок белаги
Қўйин	-қўй, қўчқор
Қирмиқ	-овқат ёки сутнинг қозонга ёпишган тури
Қўллик	-қўлқоп
Қудус	-кутурган , ваҳший
Қирқим	-қўйлар жунуни оладиган мавсум
Қисм	-ховуч, сиқим
Қатирма	-юпқа қатлама тури
Қароғон	-саксовул тури
Қумалок	-қўй қийи, тезаги
Қирчиқ	-кирдан қорайган
Қим-қим	-бесарамжон, безовта, ўтира олмайдиган
Қирқилиқ	-беда кесувчи асбоб, жода
Рош	-ариқ бўйи, қазиганда чиққан тупроқ, чет, чегара
Сатон	-сон, оёқ қисми
Сомшиқ	-лақма , анқов, меров
Сусок	-чўмич
Саппол	-катта, бэўхшов оёқ, туянинг оёғи
Сазок	-саксовул
Сур	-бўйни йўғон, безбет
Сақоқ	-бақбақа
Сумсук	-хомтама, таъмагир
Сипирим	-бир ваврвқайига, бутунлай
Сахти	-омоч
Сўқи	-хайвонча, ўғир
Сапалок	-алдаб кетмоқ, чув тушириш
Солдарам	-вазн , оғирлик

Сунг	-хол-ахвол, рухият, ўзни ҳис этиш
Сутлибиринч	-ширгуруч
Сийр	-супур, арт, тозала
Суплик	-ифлос, кир –чир
Сувчиллик	-сув куши
Салма	-дардисар
Сийпандибек	-олифта, пўрим
Сирри	-бекорхўжа
Сапча	-пишган аммо кичик қовун
Суллинг	-нимжон, ориқ, камқувват
Сўррик	-узун, новча
Тунги	-кичик идиш, жез кўза
Танқа	-чойдиш, тунука ёки жез идиш
Тавалак	-табла, уриб чалинадиган муסיқий асбоб
Тагалак	-айлана гардиш
Тирмаловуч	-хаскаш
Тайқир	-канал, ариқ
Томмиқ	-гумбазсимон, ярим думалок
Тўлпоз	-йириқкина, бўлиқ
Тиктўғаноқ	-кураш амали
Талор	-ишком, ток сўриси
Тамана	-катта игна, жўволдиз
Тикач	-хамир юзига шакл берувчи нонвой асбоби, чакич
Тўппоқ	-тўда, тўпланган, уюлган
Тўпир	-тупроқ, хок
Тозаурганжи	-хаваскор, энди ўрганган
Тутум	-қоида, умум эътироф этган тартиб
Тос	-қарийб, салкам, деярли
Тингир	-ориқ нимжон
Тўйноқ	-туёқ
Тамаккин	-умидвор бўлмоқ
Таррак	-хом, пишмаган қовун
Тамир	-темир
Тараша	-катта ўтин
Уноши	-угра оши
Учқир	-иштонбоғ, резина ип
Учмасичон	-чигиртка
Учар	-енгилтак
Етмак	-етим, ота-онасиз
Енгча	-нонвой қўлқопи
Еркиндик	-паст бўйли, ўсмай қолган

Еган	-жиян
Ерюткур	-йўқолиб кет
Ёвоқ	-паншаха
Ёналамоқ	-айланиб ўтмоқ
Ёрқанот	-қўршапалак
Ёмпи	-ёнбош
Ёрти	-ярим
Юмурта	-тухум
Юзин тушиш	-ерга қараб ётмоқ
Юлук	-илик,суяк ёғи
Эрганак	-ходадан ясалган қўл бола эшик
Эмари	-анойи, содда, гўл
Элаки	-қўлга ўргатилган,хонаки
Эл (ал)	-қўл
Энав	-гижжа ,паразит
Элакишмоқ	-ўрганмоқ
Ховул-човул	-тезкорлик билан,бирпасда
Ховва	-ха ,шундай
Хўкки	-букри
Хўжак	-бузоқ
Халиса	-ҳалим(овқат)
Хупдир	-аниқ,гап сўзсиз
Хашакалло	-нима бўлгандаям,аниқ
Хараса	-дармон,куч-қувват
Хўққи	-бурни кўтарилган,кибрли,ман-ман
Хўпиқмоқ	-сувга чўкмоқ,нафас қайтиши
Худройи	-дурагай,зоти бетайин
Хипча	-хивич,чивиқ
Харрак	-торнинг симларини кўтариб турувчи таянч
Хиза	-стол тортгичи,наrsa солиб қўйиладиган жой
Хоса	-дока,дока рўмол
Хазорисивант	-исириқ
Хомшоҳ	-улоқ эчки
Хўмми	-махмадона,мақтанчоқ
Хўстор	-мехрибон,яқин киши ғамхўр
Хумкалла	-каллasi бўш
Ўкта	-танти,ўктам,бир сўзли
Ўмоча	-умуртқа суяги
Ўкча	-товон,оёқ қисми
Ўкрамоқ	-бўзлаб йиғламоқ
Ўтирим	-оёқдан қолган

Ўксурик	-йўталиш
Ўттим қилмоқ	-кечмоқ,воз кечмоқ
Ўймоқ	-ангишвона
Ўвва	-қишлоқ маъносида
Қиртмакакирдак	-ёқа бўғишмоқ
Ғўббик	-қабарик,бўртиқ
Ғулва	-кувур
Ғўлагир	-томга ёпилган қамиш устига босиладиган лой
Ғўлин	-туршак,қуритилган ўрик меваси
Ғилдир	-енгилтак,бузуқ,бетайин
Ғож-ғож	-шовқинчи,кўп шовқин қилиб гапирадиган
Ғужирдамоқ	-кўп гапирмоқ
Ғужанак	-ўралиб олиш
Шўрава	-тузли сув
Шуттик	-тутунтирик,чўпга илинган,мойга ботирилган латта
Шапалак	-капалак
Шуллик	-зулик,қон сўрувчи ҳашарот
Шапир –шупир	-тезда,дарҳол,апил-тапил
Шўтқори	-шўх ҳазилкаш
Шевант	-хамир кесадиган тахта
Шатта	-тепки зарба
Шикон дўвмоқ	-шоҳ ташлаб,завқ билан ўйнамоқ
Шилим	-елим,дарахт елими
Шинникмоқ	-ўрганиб қолмоқ,одатланмоқ
Шона қоқмоқ	-елка қисмоқ
Шаълат	-хасип
Чиршиқ	-чанокда қолиб кетган пахта
Чиллик	-хоч,салиб картанинг тўрт рамзидан бири
Чакачандир	-пишиқ,пухта,ориқ бўлсада кучли
Чағил	-шағал ,майда тош
Чакалак	-ис,ёғда пишириладиган хамир
Чуғулчи	-чақимчи сотқин
Чўммиқ	-калта,қисқа,қирқилган
Чоғли	-кичикроқ
Чолтўйноқ	-бебош
Чурри	-чиноқ,қулоғи кесик
Чўвламоқ,чуркамоқ	-бир балога дучор этмоқ
Чуқалок	-чукурча
Чунгил	-ариқ ёки сойнинг тор,аммо чукур жойи
Чакар	-кудукдан сув тортувчи челақ
Чўкич	-болға

Чучала	-кичкина бармоқ,жимжилок
Чақир-чукур	-ўйдим чукур йўл
Чиг	-камишдан тўқиладиган,иморатга бостириладиган - бостирма
Чоли	-четан,қўтон,мол ёки товуқ сақланадиган жой
Чиркай	-майда пашша
Чўнти	-юлуқ,юлинган чала-ярим,кичкина
Чимса	-сайлаб ейдиган,инжиқ хўранда
Чатанок	-ер ўлчайдиган қадимий асбоб
Чил,чилиш	-оёқ ичидан илиб йикитиш
Чаққи	-кичик пичоқ,қаламтарош
Чўгиртак	-тикан,учли чўп
Чирмашиқ	-чирмовуқ
Чакида	-сузма,суви олинган чакка
Чага	-қум
Чел,чил	-икки дала ўртасидаги уват
Чизил	-ер ҳайдаш асбоби,борона
Чикка	-ғилай
Чарс	-асов,қўлга ўрганмаган
Чўйриқ	-оёғи қийшиқ,маймоқ
Чўзма	-резина
Язна, езна	-почча
Ялок	-тилёғлама,хушомадгўй,сергап,сурбет
Яхти	-ёруғ,нурли,чароғон
Ялтанг	-катта,ялтироқ кўзли
Ялпазанг	-сезгир,шўх,ўйинқароқ
Яйнамоқ	-термилмоқ,интизор бўлмоқ
Йилпиш	-бесару самон юрувчи,учига чиққан бетайин
Йўрита	- билиб туриб,атайин

Мақол –маталлар

Кулнинг қудаси кўп, тотнинг тоғаси.

Ўтирандим ғамсиз—қайғусиз, ҳамсоямнинг эшаги туғди кулоқ — қуйруксиз.

Кул ўқиб қози бўлмас, кўппак югуриб този бўлмас.

Қимирлаган қирдан ошар.

Кўзи йўқнинг юзи йўқ.

Оғзидан боди кириб — шоди чиқар.

Кўр-кўрни қоронғида топади.

Эшак - эшакдан қолса, кулоқ бурнини кесар.

Уриб билмаган улли таёқ кўтарар.
Эрта турганнинг ишини, эрта уйланганнинг ўғлини кўр.
Тукқани ўғил, тўғрагани ёғ бўлсин.
Тошдек ўрнашсин, ёғдек ёзилсин.
Оғзида бир тиши йўқ, яхшиликка хуши йўқ.
Кар эшитганин, кўр тутганин қўймас.
Бировга дастурхон ёзсанг, ўзинга ёзган бўласан.
Минг ишчига бир бошчи.
Ўроқда йўқ, машокда йўқ, хирмонда ҳозир.
Меҳмон меҳмонни ёмон кўради, уй эгаси - икковини.
Уйимни ичи тўла кўр, осмондан ҳам тушди бир кўр.
Берганинг бир юмурта, ўлдирдинг турта-турта.
Ишлаган имкон, ишламаган баҳона топар.
Саёқ юрган таёқ ейди.
Ўзга юртинг боғи билан чорвоғи - ўз юртимнинг ёнтоғича кўринмас.